2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 171 (960), 2023 йил 25 август, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

# МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШНИ КЕНГАЙТИРИШ ОРҚАЛИ ЭКСПОРТДА РАҚОБАТБАРДОШЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ЭРИШИЛАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев жойлардаислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, саноат ва хизмат кўрсатиш лойиҳалари билан танишиш ҳамда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини белгилаш мақсадида 24 август куни Самарқанд вилоятида бўлди.**



Давлатимиз раҳбари дастлаб Пайариқ туманига бориб, Имом Бухорий мақбарасини зиёрат қилди. Қуръон тиловат этилиб, дуо ўқилди.

— Илоҳим, дуоларимиз ижобат бўлиб, Аллоҳ юртимизни тинчлик-осойишталикда сақласин, файзу барака берсин. Мана, мустақиллигимизнинг 32 йиллик байрами арафасида турибмиз. Халқимиз билан бирга шу кунларга етганимизга шукрлар айтамиз. Олдимизга яна катта-катта режалар қўйганмиз. Бунинг учун икки карра кўпроқ ҳаракат қилишимиз, ёшлар тарбиясига эътибор беришимиз керак. Ҳамма соҳада таълимни, билимни оширсак, натижалар юқори бўлади. Ёшларимиз Имом Бухорий, Мирзо Улуғбекдай боболаримизга муносиб бўлишини истаймиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ислом маърифати бўйича худди Бухородагидек, Самарқандда ҳам намуна яратиш кераклиги таъкидланди. Алломаларимиз меросидан фойдаланиб жаҳолатга қарши маърифатни кучайтириш, ёшларни ёт ғоялар таъсиридан асраш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ҳозирги кунда Имом Бухорий мажмуаси янгидан барпо этилмоқда. Давлатимиз раҳбари пардозлаш ишлари намуналарини кўздан кечирди.

Президентимиз Оқдарё туманидаги 32-умумтаълим мактабини кириб кўрди.

Конституциямизда Ўзбекистон ижтимоий давлат экани белгиланди. Бу борадаги энг муҳим соҳалардан бири таълимдир. Шу мақсадда янги муассасалар қуриш билан бирга таълимнинг мазмунини яхшилашга ҳам эътибор қаратилмоқда.

782 ўқувчига мўлжалланган 32-умумтаълим мактаби жорий йилда капитал таъмирланди. 22 та синфхона, спорт зали, ошхона, STEM лабораторияси, компьютер хоналарида замонавий шароитлар яратилган. Кутубхонада 1 минг 500 дан зиёд бадиий адабиётлар жамланган.

Маълумки, ёшларни камида иккита чет тили ва битта замонавий ҳунарга ўргатиш мактаб таълимидаги асосий йўналиш сифатида белгиланган. Мактабнинг бўш турган ер майдонида енгил конструкциялардан қўшимча хоналар қурилиб, 15 хил касб-ҳунар ўргатиш учун шароит яратилди. Бу ерда ўқувчилар компьютер, техник хизмат кўрсатиш, тўқувчилик, сартарошлик, косметология, кулолчилик, ўймакорликнинг илк сабоқларини ўрганади.

Президентимиз хоналарни кириб кўрди, ёзги тўгаракка келган болалар билан суҳбатлашди.

— Биз олий таълимда қамровни кенгайтириб боряпмиз. Лекин ҳамма ҳам университетда ўқишни танламайди. Шунинг учун фарзандларимизга мактабдаёқ чет тиллари ва ҳунар ўргатишни мақсад қилганмиз. Кимнинг кичкина бўлсаям, қўлида касби, ҳунари бўлса, куни ўтади. Кейин яна ўз устида ишлаб, маҳоратини ошириши мумкин. Мақсадимиз — ҳар бир ёшга муносиб шароит яратиш, — деди давлат раҳбари.

Шавкат Мирзиёев шу ерда ўқитувчилар ва меҳнат фахрийлари билан мулоқот қилди.

Президентимиз Самарқанд давлат университетининг Биокимё институти фаолияти билан танишди.

Бугунги кунда университетда 25 мингдан ортиқ талаба таълим олади. Бу ерда тўртта — Агробиотехнологиялар ва озиқ-овқат хавфсизлиги институти, Муҳандислик физикаси институти, Туркология илмий-тадқиқот институти ҳамда Биокимё институти ташкил этилган.

Биокимё институти жорий йилда университетнинг биология ва кимё факультетлари негизида очилди. Таълим муассасаси учун еттита янги бино қурилди. Жумладан, жами мингдан ортиқ ўринга эга 2 та ўқув биноси, мажлислар зали, оранжерея-иссиқхона, биологик тадқиқотлар лабораторияси — виварий, ботаник тадқиқотлар лабораторияси — гербарий ҳамда талабалар ошхонаси барпо этилди.

Аҳамиятлиси, шу тариқа икки йўналиш мутахассисларига бир майдонда илмий изланишлар олиб бориш имконияти яратилди. Бу биология ва кимё йўналишидаги инновациялар интеграциясини янги босқичга олиб чиқади. Давлатимиз раҳбари институтдаги ўқув хоналари, оранжерея, илмий лабораториялардаги шароитлар билан танишди. Профессор-ўқитувчилар билан мулоқот қилди.

Олимлар истиқболда онкологик дори воситаларининг кимёвий трансформацияси асосида хавфли ўсмаларга қарши танлаб таъсир этадиган янги дори воситаларини яратиш режаси ҳақида сўзлаб берди.

Президент институт профессор-ўқитувчиларини чет элда малака оширишга юбориш, фармацевтика ва кимё маҳсулотларини ишлаб чиқиш, ғўза, узум, доннинг янги навларини яратиш бўйича кўрсатмалар берди.

Бугунги кунда Биокимё институтида 8 таълим йўналишида 2800 нафар талаба таҳсил олмоқда. Умуман, университетда 12 та илмий ва 67 та ўқув лаборатория бор.

Президент Шавкат Мирзиёев Самарқанд туманида барпо этилаётган савдо, саноат ва сервис мажмуаси қурилиш майдонида бўлди. Мажмуа ҳудуди 37 гектар. Бу ерда умумий қиймати 2 триллион 79 миллиард сўмлик 7 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Улардан биринчиси — автомобиллар эҳтиёт қисмлари бозори яқинда ишга туширилади. 11 гектар майдондаги савдо дўконларида 3 мингта иш ўрни яратилади.

Айни пайтда газоблок, пенопласт, оҳак ва зичлагич ишлаб чиқариш корхоналари қурилиши давом этмоқда. Улар шу йил охирида фойдаланишга топширилади. Шунингдек, келгуси йилларда "Кўксарой автомолл" савдо ва кўнгилочар маркази, ойнага ишлов бериш, пластик ва алюмин ромлар корхонаси қуриб битказилиши режалаштирилган.

Умуман, ушбу лойиҳаларда ўн мингга яқин аҳоли доимий иш билан таъминланади.

Давлатимиз раҳбари бунинг аҳамиятига алоҳида тўхталиб, лойиҳаларни тезлаштириш, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ишсиз аҳоли бандлигини таъминлаш муҳимлигини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳридаги "Азия металл проф" масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишди.

Ушбу йирик заводда 2018-2022 йилларда хитойлик ҳамкорлар билан биргаликда умумий қиймати 110 миллион долларлик лойиҳалар амалга оширилган. Бу маблағнинг 33 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициядир.

Дастлаб, 2018 йил декабрда рух ва полимер билан қопланган металл листлар тайёрлаш бошланган бўлса, иккинчи босқичда, 2021 йилдан металл қувурлар ва профиллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 2022 йил февралдан иссиқ ўрамали металл листлар ва қурилиш учун профиллар ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

Бу маҳсулотлар импорт ўрнини босиши ва экспортбоплиги билан аҳамиятли. Хусусан, ўтган йили корхона томонидан 63 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган. Ушбу кўрсаткич жорий йилда янада юқори бўлиши кутилмоқда. Айни пайтда корхонада 520 нафар ишчи меҳнат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари лойиҳанинг тўртинчи босқичи — арматура ишлаб чиқариш корхонасининг қурилиш майдонида бўлди. Бу ерда йилига 390 минг тонна арматура қуйиш қуввати ҳамда 150 та янги иш ўрни яратилади.

Умуман, 2023-2025 йилларда яна бешта лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Уларга жами 621 миллион доллар йўналтирилиб, йилига 1,7 миллион тонна металл ҳамда 10 миллион метр квадрат ойна ишлаб чиқариш қуввати яратилади. 930 та янги иш ўрни очилади.

Президентимиз маҳаллийлаштириш ва таннархни тушириш орқали экспортда рақобатбардошликни ошириш кераклигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда йил якунига қадар амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифалар бўйича йиғилиш ўтказди.

Кейинги йилларда вилоят изчил ривожланмоқда. Лекин бу барча туманларда мутаносиб эмас.

Масалан, ҳудуд саноатининг қарийб ярми Самарқанд шаҳрига тўғри келади. Ўтган етти ойда вилоятда 600 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилган. Лекин уларнинг 78 фоизи Самарқанд шаҳри, Каттақўрғон, Пастдарғом ва Самарқанд туманлари ҳиссасига тўғри келган. Сўнгги беш йилда электр истеъмоли 1,5 бараварга ошган. Қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик, сувни тежаш етарли эмас.

Шу каби таҳлиллардан келиб чиқиб, Президентимиз тадбиркорлик, инвестиция, саноат, туризм соҳаларидаги имкониятларни кўрсатиб ўтди.

Маҳаллаларда тадбиркорлик ва деҳқончиликни қўллаб-қувватлаш, узум ва писта етиштиришни кўпайтириш, серқатнов йўллар бўйида хизмат кўрсатиш соҳасида аҳолини ишли қилиш зарурлиги таъкидланди.

"Ургут" эркин иқтисодий зонасининг 15 та тумандаги ҳудуди ва вилоятдаги 106 та саноат зонасини инфратузилма билан таъминлаш учун шу йилнинг ўзида 170 миллиард сўм ажратилган. Лекин уларда 620 гектар ер бўш турибди. Мутасаддиларга инфратузилма муаммосини ҳал этиб, ушбу майдонларга тадбиркорларни жалб қилиш бўйича топшириқ берилди.

Оқдарё ва Пастдарғомдаги подстанцияларни янгилаш, йил якунигача Каттақўрғон тумани ва Самарқанд шаҳрида қуввати 250 мегаватт бўлган 2 та қуёш электр станциясини ишга тушириш вазифаси қўйилди.

Вилоятда туризм соҳасида 20 мингта доимий иш ўрни яратиш ва экспортни 500 миллион долларга етказиш имконияти борлиги қайд этилди. Бунинг учун жозибадор дастурларни кўпайтириш, йўлларни ва жамоат транспортини қулай қилиш зарурлиги таъкидланди. Туризм салоҳияти юқори 100 та маҳалла ва қишлоқда "туризм ипотекаси" дастури асосида янги саёҳат манзиллари очиш бўйича кўрсатма берилди.

— Халқимиз биз белгилаб олган жуда катта вазифаларнинг ижросини кутяпти. Ҳар бир ҳоким ҳудудидаги имкониятдан тўғри фойдаланиб, маҳсулот чиқариб, одамларга иш ўрни яратмаса, буни четдан келиб ҳеч ким қилиб бермайди. Натижадорликни ҳар йили ошириб бориш зарур. Қолган тўрт ой келгуси йилга мустаҳкам замин ясайдиган ойлар бўлиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича вилоят ва туманлар ҳокимлари, соҳа мутасаддилари ахборот берди.

Шу билан давлатимиз раҳбарининг Самарқанд вилоятига ташрифи якунланди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Ғолиб ҲАСАНОВ,**
**Икром АВВАЛБОЕВ,**
**ЎзА мухбирлари**

## МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ

# "ЗАНЖИР" МУКАММАЛ ИШЛАСА, НАТИЖА КУТТИРИБ ҚЎЙМАЙДИ



**Маҳаллийлаштириш деганда, саноат ишлаб чиқаришининг турли босқичларида импорт қилинадиган деталлар, бутловчи қисмлар ва бошқа маҳсулотларни маҳаллий хомашё ҳамда материаллар асосида тайёрлашга ўтказиш жараёни тушунилади. Бунда, биринчи навбатда, ички бозорни ўрганиш, импортни таҳлил қилиш ва хомашё базасини аниқлаш зарур. Кейинги босқичда маҳаллийлаштириш лойиҳаси шакллантирилиб, амалга оширилади.**

Давоми 4-бетда

## ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН!

# ЎЗГАРАЁТГАН ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАР

## ОДАМЛАРГА ҚАНДАЙ ҚУЛАЙЛИК ТУҒДИРМОҚДА?

**Бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди. 2016 йил эди. Тақдир тақозоси билан вилоятдан Тошкентга кўчиб келдик. Иссиқ жойни совитиш, оилани бошқа макон сари қўзғатиш осон иш эмас. Айниқса, у йиллари пойтахтга кўчиб келишнинг ҳал қилиб бўлмас муаммолари бор эди. Бири "прописка" бўлса, иккинчиси уй-жой масаласи.**



Яхшиямки "прописка"ни талабалик пайтимда бир амаллаб Тошкентга "доимий"га кўчирган эканман. Энди аёлим ва фарзандларимни доимий рўйхатга қўйиш керак. Икки хонали уйимиз бор. Ўзим шу манзилда доимий рўйхатда тураман, лекин оила аъзоларимни "прописка"га қўйишнинг азобини асти қўяверасиз. Ҳали унга бор, ҳали бунга... Бир паспорт столдан унисига, унисидан бунисига югур-югур. Начора, шу ишни охиригача етказмасам, болаларим боғчага ҳам, мактабга ҳам боролмайди. Ҳатто маҳалла нозири доимий рўйхатда турмас экан, деб оиламни кўчага чиқариб юборишгача бориши ҳеч гап эмас. Хуллас, вилоят билан пойтахт орасида қатнайвериб, ниҳоят бу муаммони ҳам ҳал қилдик.

Шу билан тугади, дейсизми? Йўқ. Энди болаларни боғча, мактабга жойлаш масаласи бор эди. Уйимиз яқинидаги боғча ва мактабга мурожаат қилдик. Ўрин йўқ экан. Бу ёғи қандай ҳал бўлганини ўша пайтлари шундай муаммоларга дуч келганлар яхши билади...

Давоми 3-бетда

## КУН МАВЗУСИ

# БУ ЙИЛ ТАЛАБАЛАР КЎЧАДА ҚОЛМАЙДИМИ?

## МУТАСАДДИЛАР БУНГА ИЗОҲ БЕРАДИ



**Ҳаяжонли дақиқалар ортда қолди. Талабалик сафига қабул қилинган ёшлар олдида навбатдаги довон — турар жой топиш масаласи турибди. Илм олиш учун олис ҳудудлардан шаҳарлар марказига келадиган талабаларнинг турар жой излаши янгилик эмас.**

Давоми 5-бетда

ШАРҲ

# ОЛИЙ ДАВЛАТЛАРАРО КЕНГАШ

## ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРДА ҚАНДАЙ АҲАМИЯТГА ЭГА?

**Сайфиддин ЖЎРАЕВ,
сиёсий фанлар доктори,
профессор**

**Ўзбекистоннинг дўстона, яхши қўшничилик ва тинчликпарвар ташқи сиёсатида Озарбайжон билан ўзаро алоқалар мунтазам ривожланиб бориши кузатилмоқда. Президент Шавкат Мирзиёевнинг сайловдан кейинги биринчи давлат ташрифи айнан шу мамлакатга амалга оширилгани ҳам ўзаро муносабатларнинг ўзига хос ишончлилиги, давомийлиги ва истиқболли эканидан далолат беради.**



Бу галги ташриф алоҳида жиҳатлари билан ажралиб турди. Улардан бири, ҳеч шубҳасиз, икки мамлакат Президентлари Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасида **Олий давлатлараро кенгаш** ташкил этиш тўғрисидаги шартномани имзолагани бўлди. Бу муҳим стратегик аҳамиятга эга келишув ҳисобланади.

Бу кенгаш мазмуни ва аҳамияти нималарда акс этади?

**Биринчидан,** Олий давлатлараро кенгаш янги даврда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларни ривожлантириш, мавжуд ва келажакда бўлиши мумкин бўлган муаммоларни, хавф-хатарларни аниқлаш ҳамда уларни ечиш йўлларини ишлаб чиқиш бўйича давлат раҳбарлари бевосита раҳбарлик қиладиган янги форматдаги мулоқот майдони ҳисобланади. Бундай институт дунёнинг барча ривожланган давлатларида мавжуд бўлиб, ижобий натижаларини бериб келмоқда.

**Иккинчидан,** охирги 30 йил давомида дунё миқёсида халқаро тартиботларнинг ўзгариб бориши натижасида вужудга келаётган янги муаммолар, янги муҳит давлатлараро дипломатик алоқаларда янгича ёндашувларни шакллантиришни талаб қилмоқда. Муҳими шундаки, олдинги халқаро тартиботларни йирик давлатлар ишлаб чиқиб, кун тартибини белгилаган бўлса, ҳозирги кунда ривожланаётган ёш давлатлар ҳам бундай имкониятга эга. Шу маънода, икки давлат ўртасида бундай кенгаш ташкил этилиши стратегик шерикликнинг барча имкониятларини ишга солиш ҳамда ўзаро муносабатларни уйғунлаштириш билан бир вақтда, минтақавий ва халқаро даражадаги ташаббусларни илгари суришнинг янги механизмларига асос бўлади.



**Учинчидан,** икки давлат ўртасидаги муносабатлар, юқори даражадаги стратегик ҳамкорлик сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва транспорт-логистика йўналишларида ривожланиб келмоқда. Бугунги кунда ушбу жараёнларни чуқурлаштириш, такомиллаштириш билан бир қаторда, истиқболли жиҳатларни аниқлаш ҳамда минтақада ва жаҳонда юз бераётган жараёнларнинг бориши билан уйғунлаштириш кун тартибига айланди. Бу борада Олий давлатлараро кенгаш икки мамлакатнинг сиёсий тажрибаси, ташкилий, илмий-таҳлилий имкониятлардан фойдаланиб, барча даражада очиқ ва кенг кўламли мулоқотлар олиб бориш ва зарур стратегик қарорлар ишлаб чиқишга янги шарт-шароитлар яратади.

**Тўртинчидан,** Олий давлатлараро кенгашда муҳокама қилинадиган стратегик масалалар минтақавий ва халқаро миқёсдаги кўп томонлама муносабатларни, жумладан, БМТ, ТДТ, МДҲ, ЕХҲТ, Қўшилмаслик ҳаракати ва бошқа кўп томонлама институтлар доирасида ҳам самарали мулоқотни давом эттириш ва такомиллаштиришга қулай имкон беради.

Бугунги зиддиятли, охири қандай тугаши ноаниқ бўлган халқаро вазиятда икки ва кўп томонлама алоқаларни йўлга қўйиш, манфаатларни ҳимоя қилиш ҳамда замонавий хавф-хатарларга қарши биргаликда ҳаракат қилиш, бир-бирини ва икки давлатнинг ҳудудий яхлитлигини қўллаб-қувватлашнинг янги механизмларини яратади.

**Бешинчидан,** янги логистика занжирларини ривожлантириш ва инфратузилмани барпо этиш, юк ташиш ҳажмини кўпайтириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш, икки мамлакат ҳудудлараро алоқаларининг имкониятларини фаоллаштириш, янги кооперация лойиҳалари, гуманитар алмашинувларни илгари суриш учун жойларда мунтазам мулоқотни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга мустаҳкам замин ҳозирлайди.

**Олтинчидан,** барча йўналиш ва жабҳалардаги битимлар, келишувлар ва шартномаларни самарали амалга ошириш учун стратегик шарт-шароитлар яратади.

Фикримизча, давлатлараро алоқалар олий даражада расмийлаштирилиши, Президентларнинг бундай форматдаги самимий учрашуви муносабатларимиз ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, Олий давлатлараро кенгаш Озарбайжон ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг барча даражаларини ва қирраларини, шаклларини амалга оширишда сиёсий, ташкилий, ҳуқуқий, иқтисодий, инсоний ва ижтимоий ресурсларни жадал суръатларда сафарбар қилиш, ўзаро манфаатли натижаларга эришишнинг замонавий форматдаги сиёсий-дипломатик мулоқот шакли сифатида ҳам аҳамиятли.

Олий давлатлараро кенгашга Президентлар бошчилик қилиши эса халқаро муносабатларнинг ҳозирги ҳолатида геосиёсий ва геоиқтисодий шарт-шароитларни биргаликда чуқур мушоҳада этишга ундайди. Шу билан бирга, ҳамкорликда қарорлар ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишнинг янги механизмларини ишга туширади ҳамда ўзаро стратегик шерикликни чуқурлаштириш кафолати бўлиб хизмат қилади.

ҲАЁТИМНИ ЎЗГАРТИРГАН КУН

# КЕЛАЖАКДАН КЎНГЛИМИЗ ТЎҚ

**Муҳаммадрасул ҚОДИРОВ,
тадбиркор**

**Ўтган асрнинг 90-йиллари боши. Ҳали қўшни давлатлар билан чегара ўтказиш пунктлари бўлмас, борди-келди бемалол замонлар. Ўша вақтда Ўшдан Тошкентга келиб, тижорат ишлари билан шуғулландим, шу ердан уй олиб, қозоғистонлик қизга уйландим.**

Кўп ўтмай, давлатларимиз мустақил бўлиб, чегаралар тақа-тақ ёпилди. Шунда бизда фуқаролик муаммоси пайдо бўлди. На Қирғизистон, на Ўзбекистон бизни ўз фуқароси сифатида қабул қилди. Аро йўлда сарсон бўлиб қолдик.

Мустақилликнинг дастлабки йиллари ҳеч кимга осон бўлмади. Ҳамма нарсада тақчиллик кузатилди, рўзғор тебратиш қийин кечди. Бу ёғи бозор иқтисодиётига ўтиш дедик, бошқа дедик, хуллас, мамлакат оёққа туриши учун вақт керак бўлди.

Мана шундай даврда биз икки карра кўпроқ қийналдик. Бир томондан, ўтиш даври ташвиши, бошқа томондан, ҳақ-ҳуқуқсизлик муаммоси. Ҳеч бир давлат ҳимоясида эмаслик, фуқаросизлик киши қаддини букиб қўяр экан. Ҳозир бу хотираларни енгил айтяпман, лекин унинг ортида турган уқубат ва чорасизлик азобларини бошидан ўтказган одамгина ҳис қилиши мумкинлигини ҳам яхши биламан.

Турмуш ўртоғим билан ўттиз йилча шу муаммога рўбарў яшадик. Бу орада фарзандларимиз улғая бошлади. Уларни боғчага, мактабга жойлаштириш ҳам катта муаммога айланди. Шу боис, болаларимнинг ҳам кўнгли ўксик эди. Мактабда, маҳалладаги тенгдошлари олдида тортиниб, қимтиниб юрди.

Бу йиллар оралиғида фуқаролик олиш учун қилган ҳаракатларимиз зое кетди. Менда яна бир армон бор эди. Ота-онамни, яқинларимни ўз вақтида бориб кўролмадим, ҳол сўролмадим, яхши-ёмон кунида улар ёнида бўлолмадим.

Тўғри, тадбиркорлик қилдик, бунинг ортидан устимиз бут, рўзғоримиз тўкис бўлди. Аммо ҳаётда бир инсон бахтли бўлиши учун шунинг ўзи ёки бойлик ҳам камлик қилишини мана биз яхши тушунамиз…

Аллоҳга шукр, Ўзбекистонда янги давр бошланди. Бу тақдиримизни ҳам ўзгартириб юборди. Узоқ йиллик ниятимизга етдик. Ўтган йили менга ва оила аъзоларимга Ўзбекистон фуқаролиги берилди.

Бу биз учун жуда катта фахр ва шарафлигини айтишдан charчамайман. Чунки бугун ҳаётимиз тубдан ўзгарган. Ҳеч кимдан кам жойимиз йўқ. Мен пул ёки бошқа моддий нарсалар ҳақида гапирмаяпман. Ўзим, хотиним, фарзандларим қалбидаги тўлиқлик ҳақида айтяпман.

Яқинда оиламиз билан Ўшга бориб келдик. Ака-укалар, опа-сингиллар, ошна-оғайнилар билан дийдорлашдик. Тўғри, ўртадаги айрилиқ қисмати ўрнини тўлдириб бўлмас жудоликлар олиб келган эди. Энди ота-онамиз йўқ, биз билган яқинлар, дўстлар сафи ҳам сийраклашган. Аммо бугунги ҳаётимизнинг янги суръати ва мазмуни кўнглимизни кўтаради. Фарзандларимиз келажагидан кўнглимиз тўқлиги учун ҳам бахтлимиз.

Бугун қўшни давлатлар ўртасидаги муносабатлар жуда илиқлашган, яхши қўшничилик алоқалари ўрнатилди. Бу ҳам бизни хурсанд қилади. Шунинг учун шукрона айтамиз, бугунги озод ва обод ҳаётимизга кўз тегмасин, дея дуо қиламиз.

МУЛОҲАЗА

# “КЎРМАГАН”, “ЎРГАНМАГАН”

## БУНДАЙ ЁНДАШУВЛАР БИЛАН МУАММОНИ ҲАЛ ҚИЛИБ БЎЛМАЙДИ

**Назира МУХТОРОВА,
Жиззах вилояти ҳокими ўринбосари,
Оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи,
Олий Мажлис Сенати аъзоси**

**Оилада ўғил фарзанд туғилса, ота-онага ғурур бағишлайди, қизалоқ дунёга келганидачи, юракларни сўнмас меҳр ва беғубор қувонч қамраб олади. У ҳали ўзи ҳимоя ва парваришга муҳтож гўдаклик чоғиданоқ қўғирчоғига меҳр беради, уни асраб-авайлаб, сочларини тарайди. Қўғирчоғи олиб қўйилса ёки йўқолиб қолса, хафа бўлиб қийналади, ҳатто тушларида кўради. Чунки у меҳр-муҳаббат туйғуларисиз яшай олмайдиган тақдир билан туғилган АЁЛдир.**



Аёл борки, мард бир эркакнинг суюкли ёри, азиз фарзандларининг меҳрибон онаси бўлишни истайди. Бахтли оиладаги жонкуяр бекалик вазифасидан кейингина жамиятда ўз ўрнини топишга иштиёқи ошади. Бироқ бугун ҳамма бекаларнинг ҳам турмуши шундай, деб бўлмайди. Ижтимоий тармоқлар орқали тарқалаётган хабарлардан кўриниб турибдики, ҳамон орамизда тазйиқ ва зўравонликдан азият чекаётган хотин-қизлар бисёр. Бу ҳолатларнинг олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликдаги ишлар кучайтирилган бўлса-да, лекин бундай ёндашув бизга таскин бермайди. Зеро, осойишталикда гуллаб-яшнаб бораётган заминимизда азобга мубтало бўлаётган аёл битта бўлса ҳам уни эътиборсиз қолдирмаслик, ёрдам қўлини узатиш шу жамиятда яшаётган ҳар бир кишининг инсонийлик бурчидир.

Аксарият ҳолларда аёлларнинг ўлими билан якун топаётган зўравонликлар боис, бегуноҳ фарзандлар етим қолмоқда. Бу каби вазиятларда дарров айбдорни қидириб, “кўрмаган”, “ўрганмаган”, “оила билан шуғулланмаган” каби алмисоқдан қолган гап-сўзлар тарқала бошлайди. Сабабчилар тезроқ аниқланса-ю, иш дарров ёпилса. Аслида, бир аёлнинг қурбон бўлиши билан боғлиқ иш ҳаққоний ўрганилса, айбдорлар кўп топилади. Масалан, шундай фожиали воқеалардан бири ўрганилганда, эркак турмуш ўртоғини ўз ҳимоясидаги ожиза сифатида кўриш ўрнига ҳаётдаги бутун аламини ундан олиб, хўрлашга одатлангани аниқланди. Қўшнилар оиладаги можаролар ойлаб, йиллаб давом этаётганини билса-да, ёрдам бериш ўрнига томошабин бўлгани талайгина ғийбатлардан маълум бўлди. Қурбоннинг қондош-қариндошлари эса ҳар сафар жанжал чиққанида “Сен аёлсан, майли, қўй, кечир, унут, уйингга қайт”, деган гапларни айтишдан нарига ўтмагани ачинарли. Маҳалла вакиллари имкон қадар эр-хотинни яраштириш учун ҳаракат қилганини таъкидлайди, холос.

Хўш, айбдорлар бир талай ёки битта бўлсин, уларни жазолаш билан жабрдийда норасидаларнинг кўнглига таскин бероламизми? Бу ҳаётнинг гўзал манзиллари ҳам борлигига уларни қайта ишонтира оламизми? Одамийлик, шафқат, садоқат, мардлик каби туйғуларни ҳис қилгувчи инсон этиб тарбиялай оламизми? Зўравон эркакларнинг ҳаракатлари, ўз вазифасини қай йўсинда уддалаётганини назорат қилишга ким масъул? Ёки шундай мавзуларга доир тушунтириш ишларини ҳам мутасадди хотин-қизлар бажариши керакми? Йўқ, албатта. Қайси соҳада ишлаб, қандай шароитда турмуш кечираётганимиздан қатъи назар, ота ёки она сифатида юртимиз ёшларининг порлоқ келажаги учун масъул эканимизни унутмаслигимиз, барча турдаги тазйиқларга барҳам бериш ишларига ҳисса қўшишга виждонан ёндашмоғимиз лозим.

Одамларни гўёки “огоҳ” бўлишга ундаётган, оилавий мавзудаги фожиаларни энг аввал ва энг кўпроқ тарқатишда илғор бўлишга уринаётганлар теранроқ фикрлаб иш тутса, мақсадга мувофиқ бўларди. Тарқатилаётган хабар миллатимиз аёлининг шаъни ҳақида экани чуқур мулоҳазалардан сўнггина сўз айтишга ёки аксинча, қарор қабул қилишга арзирли масала. Қолаверса, имконият ва маҳорат турли муаммоларга учраётган оилалар ҳақида тегишли ташкилотларга хабар беришга, ибратли видеолар, қисқа метражли фильмлар тарғиботи орқали дилхираликларнинг олдини олишга йўналтирилса, фойдадан холи бўлмайди.

Шундай экан, азиз юртдошлар, меҳрибон бувижон ва оналаримизни, опа-сингилларимиз, қизларимизни биргаликда асраб-ардоқлайлик. Ғамхўрлик қилайлик, қувонч берайлик. Зотан, оташин юраги сўндирилмаган, муҳаббат ва садоқати синдирилмаган аёллар Ватан равнақи давомийлигини таъминловчи қудратдир.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ

# УЗОҚ ЙИЛЛИК ТАНАФФУСДАН КЕЙИН

## ОРОЛБЎЙИДА КАРТОШКА ЕТИШТИРИЛДИ

**Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

**Элликқалъа тумани овул ва маҳаллаларида ўз томорқасидан мўл ҳосил оладиган аҳоли кўпчиликни ташкил қилади. Хусусан, “Ақчакўл” овул фуқаролар йиғинидаги намунали томорқачилардан бири — Эриммат Рейимбаев ўзининг 0,32 сотих ерига эрта баҳордан уруғ қадайди. Жумладан, томорқасида 10 асалари қутиси, кўп йиллик мевали дарахтлар, 15 туп ток бор. Оила аъзолари ўзидан ортган ҳосилни ички бозорга сотиб, мавсумда 35–40 миллион сўмгача соф даромад олади. Айни пайтда унинг ҳовлисида иккинчи экин — кузги пиёз ва саримсоқпиёз баравж ўсмоқда.**

Заминимиз унумдор ва серҳосил. Ҳаракат қилган инсон кафтдек ердан ҳам яхшигина даромад қилади. “Қаватқалъа” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи 63 ёшли Рўзигул Раманова ўз томорқасида турли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириб келмоқда.

— Меҳнатимизга яраша даромад оляпмиз. Нолимаймиз. Фарзандларимиз билан эл дастурхони тўкинлигини таъминлаш мақсадида меҳнат қиляпмиз. Харидорларнинг ўзлари уйимиздан олиб кетади, — дейди Рўзигул опа.

Дарҳақиқат, меҳнат қилган кам бўлмайди. Ҳозирги вақтда ўз томорқасидан мўмайгина даромад олаётган оилалар сони кун сайин кўпаймоқда. Тумандаги Алишер Навоий номидаги овул фуқаролар йиғини ҳудуди сабзавотчиликка ихтисослашган қишлоқ. Бу манзилда ҳам ердан унумли фойдаланаётган хонадонлар кўп.

Ҳудуддаги Сапарбаевларнинг 14 сотих томорқаси ва 4 сотих иссиқхонаси бор. Хонадон соҳиблари 2 марта помидор, ошқовоқ, турли кўкатлар, қизил лавлаги етиштиради. Иссиқхонанинг 2 сотихли ерида эса 35 туп лимон дарахти парваришланмоқда.

— Биргина анжир мевасидан кунига 200-300 минг сўмлик ҳосилни овул аҳолиси ўзлари келиб олиб кетади, — дейди Зиёвиддин Сапарбаев.

Томорқа — фаровонлик ва даромад манбаи. Ундан оқилона фойдаланаётган қишлоқ тадбиркорлари асло кам бўлаётгани йўқ. Меҳнатдан келаётган даромад турмуш шароитини яхшилаш, ободонлаштириш, фарзандлар таълимига,



ундан ҳам ортса, енгил машина олишга, тўйларга сарфланади.

Қораўзак тумани “Қораўзак” овул фуқаролар йиғинида томорқадан самарали фойдаланиб келаётган Қувондиқ Ақулов сув тақчиллигига қарамасдан, 20 сотихли томорқасидан яхшигина даромад олишга эришяпти. Оиласидан ортган полиз маҳсулотларини бозорга олиб чиқади. Умуман, томорқадан фойдаланишни оқилона тартибга қўйишган.

Жорий йилда сув тақсимотининг тўғри ташкил этилиши туфайли энг чекка ҳудудларга ҳам сув етиб борди. Натижада “Қорўзак” овул фуқаролар йиғини ҳам сув билан таъминланди.

Тахтакўпир тумани “Қоратерен” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги “Ережеп Даўқара” фермер хўжалиги раҳбари Бердах Тажимуратов эса жорий йил ўз тасарруфидаги ер майдонларида сувни кам истеъмол қиладиган кунжут, мош, картошка, жўхори экди. Бу ҳам мавжуд шарт-шароит, имкониятга қараб деҳқончилик учун ўзлари истаган экин турини танлаш эркинлиги мавжудлигини англатади.

Қўнғирот туманининг географик жойлашуви эса суғоришга қулай, тупроғи ҳосилдор. Деҳқонлари йилнинг тўрт фаслида ҳам мўл ҳосил олади. Дузелбай оға Садиковнинг ёши 70 дан ошган. Узум, олма, анжир, анор сингари меваларнинг барчасини оғанинг боғидан топса бўлади. Шу билан бирга, узумнинг совуққа чидамли навларидан кўчат ҳам етиштириб, бозорга чиқаради.

Тумандаги “Мингжарган” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Жумабай оға Бекбаулиев ҳам томорқасида боғ яратган. Халқимиз “Яхшидан боғ қолар”, деб бежиз айтмаган.

— Боғ яратсанг, оилангга, атрофдагиларга ҳам фойдаси тегади. Бир қарашда боғ яратиш унчалик қийин эмасдек кўринади. Аммо у мунтазам, айтиш мумкинки, йил бўйи парвариш талаб этади. Қисқа вақт эътиборсизлик ойлаб, йиллаб қилган меҳнатингизни пучакка чиқаради. Қолаверса, эрта баҳорда бошланган меҳнатларингиз самарасини кузга борибгина оласиз. Аммо афсусланмаймиз, мўл ҳосил олганда чарчоқларимизни унутамиз. Хонадонга барака келтираётган боғимиз яшнаганидан кўнглимиз қувнайди, — дейди 73 ёшни қаршилаган нуроний боғбон Жумабай оға Бекбаулиев.

Бугунги кунда сув тақчиллиги, Қорақалпоғистоннинг иқлим шароитига мос келадиган қишлоқ хўжалиги экинлари экиш, харидоргир маҳсулотлар етиштиришни кенгайтириш, тажрибали олимлар билан бирга ишлаш масалалари кўриб чиқилмоқда.

Аҳолини озиқ-овқат хавфсизлиги ва ички истеъмолни сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш аҳамияти кун сайин ортиб бормоқда. Бу йўналишда сувдан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилиб, ташкилий ишларни самарали бошқариш ва сувнинг тўғри тақсимланиши туфайли Оролбўйи ҳудудида ҳам узоқ йиллардан буён биринчи марта картошка етиштирилиб, бозорга чиқарилди.

ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН!

# ЎЗГАРАЁТГАН ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАР

## ОДАМЛАРГА ҚАНДАЙ ҚУЛАЙЛИК ТУҒДИРМОҚДА?



**Лутфулла СУВОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири**

Бошланиши 1-бетда

Шуларни ёзяпман-у, кўз олдимдан ҳаммаси тизилиб ўтяпти. Очиғини айтсам, бугун у пайтлардаги шунга ўхшаш кўп мантиқсиз тартиботлар ташвишларини унутиб юборибмиз. Бугунги осон ва енгилгина битаётган ишларимизнинг бари ўзидан-ўзи бўлаётгандек. Бу фикр ўтган ҳафта эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномамни алмаштириш учун Давлат хизматлари марказига кириб, ишим ўн беш дақиқада ҳал бўлганида хаёлимга келди.

Эътибор қиляпсизми, мен ўн беш кун ёки ўн беш соат эмас, бор-йўғи ўн беш дақиқа деяпман. Нафсиламрини айтганда, сиз ҳам, мен ҳам бир вақтлар, яқин-яқингача ҳужжатлар тўла сумкани кўтариб, идорама-идора сарсон юрганларни ҳар куни кўп кўрардик. Ўзимиз ҳам улар қаторида эдик.

Энди шундай тартиб-қоида билан боғлиқ навбатдаги бир воқеани айтиб ўтмасам бўлмайди. 2019 йили яна бир фарзандли бўлдим. Унга туғилганлик ҳақида гувоҳнома олишим, сўнг рўйхатга қўйишим керак.

Шу ўй билан туман ФҲДЁ бўлимига бордим. Керакли ҳужжатларни олиб, бирпасда гувоҳнома беришди. Ҳатто уйимиз яқинидаги боғчага навбатга қўйишганини ҳам айтишди. Аввалига, буям бир йўлида, навбат келганда бирор баҳона топиб қабул қилолмаймиз, дейишади деб ўйладим. Ундай бўлмади. Фарзандим 3 ёшга тўлган куни уни боғчага олиб боришим мумкинлиги тўғрисида Давлат хизматлари марказидан телефонимга хабарнома келиб тушди. Бунга нима дейсиз? Ахир биз фарзандимизни боғчага жойлаш учун анча сарсон бўлардик-ку...

Мана шу мисолларнинг ўзиёқ кейинги йилларда **“Аввал — инсон, кейин — жамият ва давлат”, “Инсон қадри учун”** деган тамойиллар оддий одамлар ҳаётида акс этаётганини кўрсатади.

Бугунги мақоламизда амалга оширилган ислоҳотларнинг фақатгина бир йўналишига эътибор қаратишни истадик. Зеро, бу борада амалга оширилган туб ислоҳотлар, саъй-ҳаракатларни битта мақолага қамраб олиш имконсиз.

Демак, аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш тизимидаги ўзгаришлар ҳақида.

Таъкидлаш керакки, Давлат хизматлари агентлиги тезкор, қулай ва шаффоф хизматлари билан қисқа муддатда ҳар бир оилага кириб борди. Аҳолига яратилган барча шароит вақтни тежаш, турли оворагарчилик ва харажатларнинг олдини олиш имконини берди. Шу тариқа аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларига қулай ва тезкор давлат хизматларини тақдим этишнинг замонавий инфратузилмаси барпо этилди.

Бу қандай бўлган эди? Аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимининг сифат жиҳатидан янги даражага ўтишини таъминлаш мақсадида 2017 йилда ҳар бир туман ва шаҳарда Давлат хизматлари маркази иш бошлади. Шу тариқа соҳа ислоҳ қилиниб, “Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади” тамойили асосида давлат хизматлари кўрсатиш механизми жорий қилинди.

Маълумотларга кўра, бу марказлар орқали кўрсатилаётган хизмат турлари беш йил давомида саккиз баробар ортиб, 37 тадан 302 тага етди. Аҳамиятлиси кўрсатилаётган хизматларнинг 57 таси бепул. Ҳозир марказларда 2 мингдан зиёд ходим меҳнат қилмоқда.

2018-2023 йиллар давомида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига 302 турдаги 47 миллиондан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилган.

Давлат хизматлари кўрсатиш ва ушбу соҳани ривожлантиришда аҳолига янада қулайлик яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, сўнгги 3 йилда давлат хизмати кўрсатишни сифат жиҳатдан яхшилаш ва модернизация қилиш бўйича 150 дан ортиқ қонун ҳужжати ишлаб чиқилди. Натижада 200 дан ортиқ давлат хизмати қайта кўриб чиқилиб, соддалаштирилди, талаб этиладиган ҳужжатлар сони 2 баробар қисқартирилди.

2017 йилга қадар тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш учун камида 5-6 турдаги ҳужжат талаб қилинган бўлса, ҳозир фақат 1 та ҳужжат асосида амалга оширилиб, бу жараёнда композит тарзда қўшимча 4-5 та хизматдан фойдаланиш имкони яратилган.

Ёки яна бир қулайлик. 2019 йилга қадар аҳоли ва тадбиркорлар давлат хизматларидан фақат доимий яшаш жойи бўйича фойдалана олар эди. Ўша йилдан бошлаб эса жисмоний ва юридик шахсларда исталган манзилда, экстерриториал тамойил бўйича бу хизматлардан фойдаланиш имкони пайдо бўлди. Ўтган давр мобайнида шу имкониятдан 30 миллиондан ортиқ фуқаро ва тадбиркор фойдаланди. Хорижга чиқиш биометрик паспорти ва ID-карта расмийлаштириш, ФҲДЁ тизимидаги хизматлар шулар жумласидан.



**2022 йил 1 августдан давлат хизматларидан фойдаланишда шахсни идентификация қилишнинг “Мобил-ID” тизими жорий этилди. Ушбу тизим орқали 930 мингдан ортиқ фуқаро идентификациядан ўтди. Ушбу тизим фуқароларга электрон рақамли имзо орқали барча давлат хизматларидан фойдаланиш имконини яратди.**

**<u>Натижа:</u>** бу, аввало, аҳолининг вақт ва маблағини тежаш имконини берди. Келинг, яна бир мисол келтирамиз. Яқинда бир дўстим укасини Тошкентдаги уйига доимий рўйхатга қўймоқчи эканини, шу бўйича туман паспорт столига бориб маълумот олиши кераклигини айтиб қолди. Шанба куни эди, бирга бордик.

Бу ердаги ходим жуда қисқа ва аниқ маълумот берди. *“Аввал отангизни доимий рўйхатга қўясиз. Бунинг учун отангизнинг паспорти, укангизнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси ва уйланмаганлиги тўғрисида маълумотнома олиб келасиз”,* деди. *“Маълумотномани Давлат хизматлари марказидан оласиз”,* қўшимча қилди у. Тошкентдаги марказдан олсак ҳам бўладими, деган саволимизга *“фарқи йўқ”,* деб жавоб берди. *“Шу ҳужжатларни олиб келсак, доимий рўйхатга қўйиш учун қанча кун керак бўлади?”. “Бир соатга ҳам бормайди”,* деган жавобни эшитиб, очиғи, ҳайрон бўлдик. Тизим шунчалар ўзгариб кетдими?!

Қойил. Аввал-ку, пойтахтга доимий рўйхатга қўйиш ҳақида ўйламасдик ҳам. Имкони йўқ эди. Бир амаллаб иложини топган тақдирда ҳам, олис тумандаги паспорт столига бориб, узоқ навбат кутиб паспортни доимий рўйхатдан чиқариш керак, бунинг учун, аввало, Тошкентдаги паспорт столидан маълумотнома олиб бориш шарт бўларди. Бунга ҳафталаб вақт, маблағ сарфлардик.

Навбатдаги рақамларга эътибор беринг. 2017 йилга қадар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда 400 дан ортиқ фаолият тури учун тегишли лицензия ёки рухсатнома олиш талаб этилган. Сўнгги беш йилда эса улардан 132 таси бекор қилинди, шунингдек, бу йўналишда 34 фаолият тури хабардор этиш тартибига ўтказилди.

Бу жараён йил сайин такомиллашиб, соддалашиб бормоқда. Хусусан, аҳолига қулайлик яратиш ва тадбиркорликни ривожлантиришда муҳим йўналиш — лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш мақсадида Президентнинг 2020 йил 24 августдаги “Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан лицензиялаш соҳасида жами 52 тартиб-таомил бекор қилинди ҳамда 23 фаолиятни ваколатли органни хабардор қилган ҳолда бошлаш тартиби йўлга қўйилди. “Лицензия” ахборот тизими ишга туширилиб, бугунги кунда 112 турдаги хизмат кўрсатилмоқда.

**<u>Натижа:</u>** лицензия ва рухсатномалардаги мавжуд 15 мингдан ортиқ талаб ва шартлар 2 баробар, лицензия ва рухсатномаларни расмийлаштириб бериш муддати 2-3 баробар қисқартирилди. Уларни махсус бланкаларда чоп этиш учун ҳар йили сарфланадиган 13 миллиард сўмлик маблағ ва тонналаб қоғоз тежалишига эришилди. Фуқароларнинг 5-10 идорага бориб келишига чек қўйилди.

Тўлиқ электрон тизим орқали 80 дан ортиқ лицензия бериладиган бўлди. Натижада 40 минг фуқаронинг лицензияловчи органларга овора бўлиб бориб-келиш амалиёти барҳам топди. Бу шу кунга қадар аҳоли ва тадбиркорларнинг 2 миллиард сўмга яқин маблағи тежалишига йўл очди.

Яна бир аҳамиятли жиҳат. ФҲДЁ архивларида сақланаётган қоғоз шаклидаги 60 миллиондан ортиқ архив маълумотлари тўлиқ рақамлаштирилди.

Тегишли қонунчилик ҳужжатлари билан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларидан 2019 йилдан бошлаб босқичма-босқич жами 120 ҳужжатни талаб қилиш бекор қилинди. 2019 йилга қадар бундай амалиёт мавжуд эмас эди. Натижада 120 турдаги ҳужжатлар қисқартирилди. Йилига ўртача 25 миллион аҳолига қулайлик яратилди, уларнинг 300 миллиард сўмдан ортиқ маблағи тежалишига эришилди.

Давлат хизматларини кўрсатиш тизимидаги янгиликлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Шулардан бири 2021 йилдан эътиборан илк бор давлат хизматларини композит тарзда кўрсатиш амалиёти йўлга қўйилганидир. Ҳозирда 31 давлат хизмати ўзаро композит тарзда кўрсатилмоқда, 2 турдаги давлат хизмати проактив шаклда кўрсатилмоқда.

2021-2022 йиллар давомида 16 турдаги давлат хизмати учун тўловлар миқдори кескин камайтирилди, 2 турдаги хизмат учун тўлов ундириш бекор қилинди.

2022 йилдан “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тўловлар бўйича 50 фоиз чегирма қўлланилиши йўлга қўйилди.

Биз бугун ижтимоий давлат қуриш йўлидамиз. Буни конституциявий асосда ҳам мустаҳкамлаб қўйдик. Энди бу тамойил эпкинларини халқимиз ўз ҳаётида сезиши учун ҳаракат қилмоқдамиз. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган шахслар ва уларнинг фарзандлари ҳамда “Ёшлар дафтари”га киритилган йигит-қизлар олий таълим муассасаларига ўқишга киришда тест синовларида иштирок этиш учун ундириладиган тўловдан озод этилгани бу борадаги дастлабки қадам, дейиш мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимиз бўйича бир кунда ўртача 45-50 минг аҳоли давлат хизматлари марказлари хизматидан фойдаланмоқда. Хусусан, биргина жорий йилнинг олти ойи давомида 5,5 миллиондан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилган.

Олис ва чекка ҳудудда яшовчи фуқароларга енгиллик яратиш, уларнинг вақтини тежаш мақсадида 900 мингдан ортиқ сайёр (мобиль) давлат хизматлари кўрсатилган. Фуқаролар оворагарчилигининг олдини олиш мақсадида туман (шаҳар) марказидан 50-100 километр узоқ ҳудудларда 141 филиал ташкил этилди. Қисқа муддатларда барча марказларни замонавий бино билан таъминлаш чоралари кўрилди ва бу жараён давом этмоқда.

2022 йил 1 августдан давлат хизматларидан фойдаланишда шахсни идентификация қилишнинг “Мобил-ID” тизими жорий этилди. Ушбу тизим орқали 930 мингдан ортиқ фуқаро идентификациядан ўтди. Ушбу тизим фуқароларга электрон рақамли имзо орқали барча давлат хизматларидан фойдаланиш имконини яратди.

Масалан, ҳозирда 3,1 миллиондан ортиқ фаол электрон имзо мавжуд бўлиб, уларнинг амал қилиш муддати 2 йилни ташкил этади. “Мобил-ID” тизими эса мобил алоқа хизматларидан фойдаланаётган 24 миллион аҳоли учун алоҳида флеш-картани олиб юрмасдан хизматлардан фойдаланиш имконини беради.

Давлат органларининг иш услуби ўзгариб, соҳани рақамлаштириш чоралари кўриляпти. Натижада аҳолининг электрон (масофавий) давлат хизматларидан фойдаланиш улуши 15 фоиздан ошди.

Ўз навбатида, давлат хизматлари кўрсатиш соҳасини ривожлантириш борасида ҳали қилинадиган ишлар талайгина. Экспертлар фикрича, бугунги кунда барча давлат хизматларини комплекс ривожлантириш ва рақамлаштириш бўйича дастурий ҳужжат мавжуд эмас. Барча давлат идоралари хизматларини ўзига мос тарзда кўрсатмоқда. Ваҳоланки, давлат хизматини кўрсатишда, биринчи навбатда, аҳоли манфаатлари ва уларга қулайлик нуқтаи назаридан ёндашиш лозим.

Кўрсатилаётган хизматлар улушида электрон давлат хизматларидан фойдаланиш кам миқдорда. Шу сабабли электрон давлат хизматлари кўрсатиш кўламини кенгайтириш бўйича ҳам давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Бу эса мамлакатда қулай ишбилармонлик муҳитини янада ривожлантириш, фойдаланувчиларга сифатли ва тезкор давлат хизматларини тақдим этиш имконини беради.

Бир сўз билан айтганда, соҳадаги ислоҳотлар аҳолининг давлат хизматларига талабини самарали қондириш, мустақил равишда масофадан туриб фойдаланиш имконияти ошиши, давлат хизматларининг барча ҳудудларга кириб бориши, аҳоли ва тадбиркорларга қатор йўналишларда қулайликлар яратилишига хизмат қилади.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

ИНСОН ҚАДРИ

# ТАЪЛИМ ОЛИШДАГИ ТЕНГЛИК

## ИЖТИМОИЙ СИЁСАТДА ФОЙДА БЕРАДИ

**Таълим жамият ва шахс ривожланишининг асоси бўлиб, ижтимоий сиёсат барча фуқаролар учун таълимдан тенг фойдаланишни таъминлашга қаратилган. Таълим соҳасидаги ижтимоий сиёсатнинг асосий вазифаларидан бири — ижтимоий тенгсизликка қарши кураш. Жамиятда сифатли таълим олиш имкониятлари чекланган турли ижтимоий гуруҳлар мавжуд. Шу сабаб ҳам ижтимоий сиёсат барча фуқаролар ижтимоий-иқтисодий мавқеи ва келиб чиқишидан қатъи назар, таълим олиш учун тенг имкониятларга эга бўладиган шароитларни яратишга қаратилади.**

**Умида РАҲМОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**



Инклюзив таълим бу — барча болалар, шу жумладан, алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган ўғил-қизларнинг таълим олиши учун тенг имкониятлар яратилишини назарда тутувчи ёндашув, тизим ҳисобланади. Дунёнинг аксарият мамлакатлари шундай таълимнинг муҳимлигини тан олади ва уни ўз тизимларида жорий этган. Жумладан, Швецияда махсус таълимга муҳтож болаларнинг 90 фоизидан ортиғи оддий мактабларда ўқийди. Норвегия ва Финляндияда давлат мактабларида барча болаларни ўқув жараёнига қамраб олишни талаб қиладиган қонунлар қабул қилинган.

Ўзбекистонда ҳам инклюзив таълимни ривожлантириш, алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизими ҳамда қонунчилигини такомиллаштириш борасида муҳим қадамлар қўйилмоқда.

Ҳозирча барча болалар ҳам умумтаълим мактабларида бир хил имконият ва шароитда таълим олишини ташкил этиш ишлари тўлиқ йўлга қўйилган, деб айтолмасак-да, жисмоний ёки ақлий нуқсони бор ўғил-қизлар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари ишлаб турибди.

Инклюзив таълимни ота-оналар ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида 13 номдаги методик қўлланмалар тайёрланди. Бундан ташқари, нуқсони бор болаларнинг имконият ва салоҳиятини тўғри баҳолаш мақсадида чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш ишлари амалга оширилмоқда.

Хусусан, Жиззах, Самарқанд вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги эшитишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг 1500 нафардан зиёд ўқувчиси Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази малакали шифокорлари томонидан чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди.

Инклюзив таълимнинг асосий мақсадларидан бири таълимдаги ижтимоий тенгсизлик ва камситишларни бартараф этишдир. Қолаверса, ўқувчиларда бағрикенглик ва ўзгаларни борича қабул қилиш кўникмасини шакллантириб, ногиронлиги бор болаларнинг жамиятга интеграциялашуви ва ўз салоҳиятини рўёбга чиқаришини енгиллаштиради.

Аммо уни ташкиллаштиришда бундай болалар билан ишлай оладиган малакали кадрлар етишмаслиги кўплаб тўсиқларни юзага келтириши мумкин. Истаймизмийўқми, алоҳида эҳтиёжли болалар билан ишлаш ўқитувчидан мустаҳкам билим ва малака талаб қилади. Шу боис, бу турдаги муассасалар мутахассислари ва раҳбар ходимлари учун вақти-вақти билан форумлар, семинарлар ўтказилиши анъанага айланган. Жорий йилда ҳам Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда Сирдарё вилоятидаги “Нурли маскан” мактаб-интернатида “Нурли маскан орзулари” мавзусида республика форуми ташкил қилинди.

Бундан ташқари, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизими жорий этилди.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Икки йилдан буён етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлашнинг янги тартиби ўрнатилди. Хусусан, ўзларига бириктирилган турар жойга эга бўлмаган ва уйга муҳтожлар сифатида ҳисобда турган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга улар 18 ёшга тўлган йилда кўп квартирали уй-жойлардан умумий майдони 25 квадрат метрдан кам бўлмаган 1 хонали, вояга етган етим болалар ўртасида никоҳ тузилган ҳолларда, 50 квадрат метрдан кам бўлмаган 2 хонали квартиралар ажратилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган уй-жойга муҳтож 832 йигит-қиз рўйхати шакллантирилиб, Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этилди. 424 нафари учун давлат ва маҳаллий бюджетдан маблағ ажратилди. 23-30 ёшда бўлган етим ва ота-она қарамоғисиз қолган 59 болага “Меҳр дафтари” жамғармаси ҳисобидан уй-жой олиб берилишига ёрдамлашилди.

Аҳолининг ярмини ёшлар ташкил қиладиган мамлакатимизда таълим муассасаларида ижтимоий ҳимояга алоҳида эътибор талаб этилади. Бошқача айтганда, биз ижтимоий давлат эканимизни, энг аввало, таълим тизимидаги амалий ишлар билан кўрсатишимиз лозим. Ушбу мақсад нафақат инклюзив таълимни, балки ўқитувчи ва мураббийлар, барча ўқувчилар учун ижтимоий адолатни таъминлашдек ўта долзарб мақсадларни ҳам қамраб олади.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ



# “ЗАНЖИР” МУКАММАЛ ИШЛАСА, НАТИЖА КУТТИРИБ ҚЎЙМАЙДИ

**Янги маҳсулотлар орасида палладий метали, насос, флотамашина ва шахта электровозлари учун эҳтиёт қисмлар, молибден ва вольфрам тузи, юқори ҳароратга чидамли керамик маҳсулотлар, вольфрам карбиди, шамот ғиштлари, сферали шарли таянчлар, ферромолибден алоҳида ўрин тутади. Уларнинг ҳисобига импорт 17,6 миллион долларга мақбуллаштирилди.**



**Абдулла ХУРСАНОВ, “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси**

Бошланиши 1-бетда

Маҳаллийлаштириш лойиҳаларининг мақсади импортни қисқартириш ҳисобига валюта маблағларини тежаш, янги иш ўринлари яратиш, шунингдек, корхоналарнинг экспорт салоҳиятини оширишдан иборат. Шу боис, ташқи бозорлардаги ўзгарувчанлик шароитида иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш учун ички имкониятларни ишга солиш, импорт қилинаётган тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва маҳаллий саноатни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Президентимизнинг 2021 йил июль ойида Олмалиқ кон-металлургия комбинатига ташрифи чоғида янги барпо этилаётган ишлаб чиқариш объектларига зарур бўладиган эҳтиёт қисмларни маҳаллийлаштириш асосида шу ернинг ўзида ишлаб чиқариш вазифаси қўйилган эди. Шундан келиб чиққан ҳолда, Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 2021 йилда 87 та лойиҳа бўйича 217,2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ёки режа 134,5 фоизга бажарилди. Натижада импорт ўрнини босиш самарадорлиги 20,1 миллион долларга тенг бўлди. 2022 йилда эса 334,1 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 153,8 фоизга, импорт ўрнини босиш самарадорлиги 29,7 миллион долларга етди.

Комбинатнинг ишчи гуруҳи томонидан ўтказилган ўрганишлар натижасига кўра, таркибий бўлинмалар томонидан 2 минг 500 дан ортиқ маҳсулот импорт қилиниши аниқланди. Ушбу эҳтиёжманд товарлар рўйхати 2022 йил 11-12 октябрь кунлари Олмалиқ кон-металлургия комбинатида ташкил этилган тармоқлараро саноат ярмаркасида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга тақдим этилди. Тадбирда 300 дан зиёд ишлаб чиқарувчилар, улардан 62 таси ўзлари ўзлаштирган 1000 дан ортиқ маҳсулотлари билан иштирок этди.

Ярмарка давомида “юзма-юз” форматда учрашувлар ташкил этилиб, ОКМК техник талабларига жавоб бера оладиган маҳсулотларни ўзлаштириш масалалари муҳокама қилинди. 2026 йилгача маҳаллийлаштириш дастури доирасида инновацион лойиҳалар, илмий соҳадаги ихтиролар, маҳаллийлаштирилган маҳсулотларнинг янги турларини тайёрлаш бўйича тақдимотлар ўтказилди. Натижада маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан 326 турдаги маҳсулотни босқичма-босқич ўзлаштириш юзасидан 961,7 миллиард сўмлик меморандум ва келишувлар имзоланди.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, саноат кооперациясини ривожлантириш доирасида ҳамда импорт ҳажмини қисқартириш мақсадида жами 1,1 триллион сўмлик маҳсулотларни харид этиш бўйича шартномалар тузилди, унинг 727,3 миллиард сўмлик қисми кооперация портали орқали тузилган битимлар ҳисобланади.

Шу каби ишларнинг самараси туфайли 2022 йилда комбинат бўйича импорт 120 миллион доллардан зиёдроққа қисқартирилди. Жумладан, тармоқлараро саноат кооперацияси алоқаларини кенгайтириш ҳисобига 27,5 миллион доллардан ортиқ импортга бўлган эҳтиёж қондирилди.

2023 йилда дастурдаги 137 та лойиҳа асосида 324,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш белгиланган бўлиб, апрель-июль ойларида дастурга 3,7 миллиард сўмлик 6 та янги лойиҳа киритилди. Натижада лойиҳалар сони 143 тани, прогноз кўрсаткичи 325,4 миллиард сўмни ташкил этди. Ушбу даврда 139 та лойиҳа бўйича 202,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, режа 116,8 фоизга бажарилди, бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 125 фоизни ташкил этди.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Янги маҳсулотлар орасида палладий метали, насос, флотамашина ва шахта электровозлари учун эҳтиёт қисмлар, молибден ва вольфрам тузи, юқори ҳароратга чидамли керамик маҳсулотлар, вольфрам карбиди, шамот ғиштлари, сферали шарли таянчлар, ферромолибден алоҳида ўрин тутади. Уларнинг ҳисобига импорт 17,6 миллион долларга мақбуллаштирилди.

Авваллари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш асосан икки йўналишда амалга ошириб келинарди: мавжуд ва янги қувватларда маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳамда ички кооперация алоқаларини кенгайтириш. Бугунги кунда мазкур йўналишлар янада кенгайтирилиб, хорижий ҳамкорлар билан биргаликда ва шатакка олиш тизими асосида янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда.

Масалан, Германиянинг “Falk Porsche Technik GmbH” компанияси билан биргаликда Чирчиқ шаҳридаги “Deutsche innovationen Technologie AGMK” қўшма корхонасида кимёвий чидамкор геокомпозит маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ва 60 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Жорий йилда ушбу корхона томонидан рух заводини модернизация қилиш учун 60 миллиард сўмлик маҳсулот етказиб берилди.

Ҳозирда 50 минг тонна мисни қайта ишлашга мўлжалланган, қиймати 20 миллион доллар ва 200 та янги иш ўрни яратиладиган “Мисдан катанка ва янги турдаги кабель маҳсулотларини ишлаб чиқариш” қувватлари барпо этиляпти. Унинг йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 450 миллион долларни ташкил этади.

Янги қурилаётган Мис эритиш заводи таркибида “Мис катодлари электролизлари учун полимербетон ванналар ишлаб чиқариш” лойиҳаси амалга ошириляпти. Бунда 1 минг 500 дона электролиз ванналари тайёрланиб, металлургия мажмуасини қуришда ишлатилади. Бунинг эвазига лойиҳа қиймати 10 миллион долларгача қисқаради.

“Янги турдаги саноат электр двигателларини ишлаб чиқариш” лойиҳасига ҳам германиялик ҳамкорлар қизиқиш билдирди. Лойиҳа ишга тушгач, импорт қилинаётган электр двигателларга эҳтиёж қолмайди.

Қиймати 10 миллион доллар бўлган “Кимёвий чидамкор шиша толали маҳсулотлар” лойиҳасини амалга ошириш орқали чет элдан харид қилинаётган қувур, резервуар баклар ва бошқа маҳсулотлар маҳаллийлаштирилса, “Avantec GP” қўшма корхонасида горизонтал токарлик фрезерли ишлов бериш рақамли дастгоҳлари ишлаб чиқарилади.

Шунингдек, Хитойнинг 12 та йирик компанияси билан ҳамкорликда йилига 50 минг электромобиль ишлаб чиқариш, мис кабеллари ва фольгаси, электромобилларни зарядлаш ускуналари каби қўшимча қийматли маҳсулотларни ўзлаштириш, юк автомобиллари ва махсус техникалар учун эҳтиёт қисмлар ясаш, автоматлаштириш ва рақамлаштириш каби лойиҳалар устида иш олиб бориляпти.



**2023 ЙИЛДА ДАСТУРДАГИ 137 ТА ЛОЙИҲА АСОСИДА 324,5 МИЛЛИАРД СЎМЛИК МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БЕЛГИЛАНГАН БЎЛИБ, АПРЕЛЬ-ИЮЛЬ ОЙЛАРИДА ДАСТУРГА 3,7 МИЛЛИАРД СЎМЛИК 6 ТА ЯНГИ ЛОЙИҲА КИРИТИЛДИ. НАТИЖАДА ЛОЙИҲАЛАР СОНИ 143 ТАНИ, ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧИ 325,4 МИЛЛИАРД СЎМНИ ТАШКИЛ ЭТДИ. УШБУ ДАВРДА 139 ТА ЛОЙИҲА БЎЙИЧА 202,4 МИЛЛИАРД СЎМЛИК МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛИБ, РЕЖА 116,8 ФОИЗГА БАЖАРИЛДИ, БУ ЎТГАН ЙИЛНИНГ МОС ДАВРИГА НИСБАТАН 125 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТДИ.**

“Олмалиқ қуюв механика заводи” корхонасида қиймати 20 миллион доллар бўлган “Тоғ-кон саноати учун қуйма маҳсулотлар ва эҳтиёт қисмларни ўзлаштириш” лойиҳаси бўйича қурилиш ишлари якунланди ва 200 та янги иш ўрни яратилди. Яна бир эътиборли жиҳати, комбинатда қиймати 500 миллион доллар, қуввати 55 минг тонна қуйма маҳсулотларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги машинасозлик заводи қурилади. “Мис кластерини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида 78 миллион долларлик мисдан лента ва листлар, фольга, катанка, бурчакли симлар ишлаб чиқариш ташкил этилади.

Бугунги кунда “шатакка олиш” тизими асосида 10 дан ортиқ маҳаллий ишлаб чиқарувчилар комбинатга ўз маҳсулотларини етказиб бермоқда. “Нурафшон махсус техникалар” корхонаси билан ҳамкорликда 220 тоннагача юк кўтарадиган автосамосваллар ишлаб чиқариш, “Ўзбекистон темир йўллари” жамиятининг “Қуюв механика заводи” корхонасида темир йўл транспорти учун 100 га яқин турдаги қуйма маҳсулотлар ишлаб чиқариш лойиҳалари ўзлаштирилмоқда. “Карбон полимер” корхонаси томонидан полимер, фторопласт ва графитдан турли эҳтиёт қисмлар тайёрлаш устида иш кетаётган бўлса, “Zhongtiang Chemical” қўшма корхонасида комбинат учун зарур бўлган кимёвий реагентлар тайёрланмоқда.

Кўриниб турибдики, ички талабни ўрганиш — импортни таҳлил қилиш — ресурс базасини аниқлаш — янги лойиҳалар ишлаб чиқиш “занжири” асосида лойиҳалар йўлга қўйилса, натижалар, албатта, ижобий бўлади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

# ДЕҲҚОННИНГ ХАЗИНАСИ



**Феруза ЖЎРАЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири**

**“Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида қилинаётган ишлар мавжуд имкониятлар, хомашё ресурслари, инфратузилма ҳолати, ишчи кучи ихтисослашувидан оқилона фойдаланиб, даромад кўриш имконини бермоқда. Аҳоли томорқасида етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари хорижга экспорт қилинишига ҳам шу тамойил кенг йўл очмоқда. Ангор туманидаги Баҳор маҳалласининг асосий драйвери деҳқончилик. 300 гектардан ортиқ аҳоли томорқасида карам, саримсоқпиёз, дайкон, редиска ва шолғом, лавлаги кабилар экилади. Биргина 2022 йилда маҳалла деҳқонлари томонидан 92 миллиард сўмлик 28 минг тонна маҳсулот етиштирилиб, 20 минг тоннаси экспортга чиқарилган. Маҳалладаги ҳоким ёрдамчисининг айтишича, жорий йилда 35 минг тонна маҳсулот етиштириш режалаштирилган.**



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Рашид Галиев олган сурат.



## БИР МАВСУМДА 80 МИЛЛИОН СЎМГАЧА ДАРОМАД

Маҳаллада яшовчи Гулхол Равшановага қарашли 20 сотих томорқада июнь ойи бошида 20 мингга яқин карам ниҳоли экилган. Сентябрь ойига келиб, бир дона карам 3 килограммгача тош босади.

Асосий вақти ниҳол парваришлаш билан ўтадиган деҳқон опанинг турмуши, ўй-фикрлари ерга боғланган. Суҳбат чоғида миришкор оила фаровонлиги, дастурхон тўкинлиги ва рўзғор кам-кўстини тўлдиришда томорқадан олинаётган даромаднинг ўрни беқиёслиги, деҳқоннинг хазинаси ер эканини кўп таъкидлади. Гулхол опанинг сўзларини тинглаб, у деҳқон оиласида катта бўлган, ёшлигидан ер билан тиллашиш ҳадисини олган деган хаёлга бордик. Ундай эмас экан.

— Асл касбим — ўқитувчи, ҳозир нафақадаман, — дейди Гулхол Равшанова. — Қўшни тумандан келин бўлиб тушганман. Зиёли оилада катта бўлганман. Томорқамиз кичкина эди. Деҳқончилик билан шуғулланмасдик. Бу ерга келгач, маҳалла аҳли етиштираётган экинлар, олаётган ҳосилни кўриб, деҳқончиликка меҳрим ошган. Томорқадан қўшимча даромад олиш истаги пайдо бўлган. Қўни-қўшни, маҳалла аҳлидан миришкорлик сабоғини олиб, иш бошлаб юборганман. Бир мавсумнинг ўзида 80 миллион сўмгача даромад оламиз. Маҳалламизда логистика маркази бор. Маҳсулотларимиз тўғридан-тўғри хорижга экспорт қилинмоқда. Авваллари сабзавот мўл ва бозорбоп бўлса ҳам туманимиз бозоридан четга чиқишга қўрқар эдик. Ҳозир эса оддий қишлоқ деҳқони етиштирган маҳсулот жаҳон бозорларига кириб бормоқда.

## КАФОЛАТЛИ БОЗОР ТАЪМИНЛАНСА, МИРИШКОР МЕҲНАТДАН ҚОЧМАЙДИ

— Маҳалламизда логистика маркази ва хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган, — дейди Баҳор маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси Ҳамид Муҳаммадиев. — “Surxon golden trade” МЧЖнинг логистика марказида 10 минг тоннагача мева-сабзавотни сақлаш қувватига эга музлаткич омбор мавжуд. Деҳқонлар етиштирган маҳсулот мавсумнинг ўзидаёқ экспортга йўналтирилмаса, махсус хоналарда сифатли ҳолда сақланади. Жамиятда хизмат кўрсатиш ҳам йўлга қўйилган бўлиб, аҳолидан маҳсулотлар йиғиб олиниб, юртимиз ва жаҳон бозорларига олиб чиқиш учун тайёрланади. Логистика марказида 400 дан ортиқ киши иш билан таъминланган. Миришкорларимиз етиштираётган маҳсулот учун аниқ ва кафолатланган бозор мавжуд. Шунинг учун маҳалла аҳли меҳнаткаш. Улар учун кафолатли бозор таъминланса, ҳар қандай “инжиқ” экин тупроқ билан тил топиша олади.

Президентимизнинг 2021 йил 15 декабрдаги “Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳада маҳсулот ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, хизмат кўрсатиш ва сотиш (экспорт қилиш) жараёнларини ўзаро интеграция қилиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Ҳужжатга кўра, жорий йил 1 январдан бошлаб Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тижорат банклари орқали фермер, деҳқон хўжаликлари ва бошқа маҳсулот етиштирувчиларга мева, узум, сабзавот, картошка, полиз экинлари, кўкатлар ва доривор ўсимликлар, дуккакли ва мойли экинлар етиштириш учун кредитлар ажратиш тизими йўлга қўйилди. Шунингдек, қарорда мева-сабзавотни қайта ишловчи, сақловчи ва экспорт қилувчиларга етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилишда талаб этиладиган айланма маблағларни тўлдириш учун револьвер кредит ажратилиши ҳам белгилаб қўйилган. Соҳа вакиллари учун яратилаётган бу каби имкониятлар уларни ердан янада самарали фойдаланиш, салмоқли ва сифатли ҳосил олиш орқали кўпроқ даромад топишга ундамоқда.

## “ЭКИН ЕТИШТИРСАМ, ЗАВҚ ОЛАМАН”

Маҳалланинг яна бир миришкори Панжи Искандаров ҳар мавсумда 100 миллион сўмгача даромад кўради. Ёши улуғ бу отахон меҳнаткашликда болаларию невараларига ўрнак.

— 65 сотих ерга карам, лавлаги ва дайконнинг турли навларини экканмиз. — дейди бобо. — Ҳар мавсумда 20 тоннагача маҳсулот етиштирамиз. Экинларимга қарасам, бор чарчоғимни унутаман. Томорқангиз яшилликка бурканиб, кўзни қувонтириб турса яхши-да. Баъзан болаларим “бўлди энди, дам олинг, кетмону белкурак кўтариб юришни бас қилинг, бирор ерингиз оғриб қолади”, дейишади. Йўқ, мен уйда бекор ўтирсам, соғлиғимни йўқотаман. Экин етиштирсам, завқ оламан, ҳосилга киргани сайин меҳнатга иштиёқим янада ортаверади. Ердан самарали фойдаланаётган ҳеч бир маҳалладошимиз кам бўлаётгани йўқ: уй қуриб, тўйлар қиляпти, машина оляпти, фарзандларини ўқитяпти. Хуллас, деҳқончилик ортидан орзулари рўёбга чиқмоқда.

Бутун дунёда аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш энг долзарб масала бўлиб турган бир пайтда томорқадан унумли фойдаланиш — муносиб ечим. Қолаверса, бизда аҳоли даромадининг 40-50 фоизи озиқ-овқат маҳсулотларига сарфланади. Қишлоқ хўжалигидаги ҳосилдорлик элимиз дастурхони тўкин бўлишини таъминлайди. Демак, соҳада яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, маҳсулот етиштириш маҳалладан жаҳон бозорлари сари йўл очишда катта самара беради.

Бозорга бир маҳсулотни вақтида, харидор талабига мос ҳолда олиб чиқиш учун шунчаки меҳнатнинг ўзи камлик қилади. Экин парвариши учун ҳам изланиш керак. Маҳалла аҳли ана шу изланишдан қочмайди. Бу борада ҳудуд аҳолисининг бир турдаги маҳсулот етиштириши қўл келади. Боиси, улар бир-бирига маслаҳатгўй, тўғри йўл кўрсатувчи, шу билан бирга, рақобатчи ҳам бўлади. Мана шу жиҳатлар уларни доим ҳаракатда бўлишга, йилда уч бор ҳосил олишга ундайди.

ДАХЛДОРЛИК

# Илм восита эмас, МАҚСАДГА АЙЛАНСИН

## ЁХУД ҲАЗРАТ НАВОИЙ БУГУНИМИЗ ҲАҚИҚАТИНИ БАШОРАТ ҚИЛГАНИ ХУСУСИДА

**Бугун мамлакатимиз улкан ислоҳотлар, бунёдкорликлар майдонига айланган. Юзлаб боғча, мактаб, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари бинолари, янги уй-жойлар барпо этилмоқда. Ўнлаб йирик инвестиция лойиҳалари амалга ошириляпти. Минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда. Шу ўринда Москва давлат университети ректори, академик Виктор Садовничийнинг мамлакатимиздаги янгиланишлар ҳақидаги эътирофи эсимга тушди: "Кўпдан бери Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни кузатиб бораман. Сўнгги йилларда юртингизда содир бўлаётган ўзгаришлар гўё "портлаш эффекти"ни ёдга солади. Халқнинг ижодкорлик қуввати арифметик эмас, геометрик прогрессия билан ортаётгандек тасаввур уйғотади. Президент Шавкат Мирзиёев халқ ҳаётини мукаммал тушунади, муаммоларни хаспўшламасдан рўй-рост очиб ташлайди. Энг асосийси, уларнинг ечимини донолик билан топа олади. Мана шу фазилати билан ҳам у ҳар қанча таҳсинга сазовор. Айниқса, олий таълим ва илм-фан соҳасини инновацион ғоялар сари бураётгани менга манзур бўлди".**



**Авазжон МАРАҲИМОВ,
техника фанлари
доктори, профессор**

Мамлакатимиз қиёфаси мутлақ янгиланяпти. Шунга мутаносиб тарзда халқимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг дунёқараши ўзгаряпти. Уларда келажакка умид, ишонч мустаҳкамланмоқда. Илм-фанга, касб-ҳунар эгаллашга қизиқиш ортди. Йигит-қизлар шу орқали жамиятда ўз ўрнини топиши, эл-юртга хизмат қилиб, яхши яшаши мумкинлигини ҳис қилди. Энди бу ишончни биз — олий таълим муассасалари масъуллари, профессор-ўқитувчилари оқлашимиз, ёшларнинг орзу-умидлари, интилишларини рўёбга чиқариш йўлида жонбозлик, шахсий намуна кўрсатишимиз керак. Бунинг учун бугундан бошқача фикрлашимиз, бошқача ишлашимиз, янгиланишни, энг аввало, ўзимиздан бошлашимиз зарур. Бироқ тан олиш керак, олий таълим тизими олдига қўйилган стратегик мақсад ва вазифаларни ҳали тўлақонли англаб етганимизча йўқ.

Мамлакатимиз иқтисодиётини инновацион ривожлантиришга қодир, фундаментал билимларга эга, танқидий ва креатив фикрлайдиган, Ватанига содиқ юқори малакали, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш ҳамда рақамли иқтисодиёт, "ақлли" технологиялар, сунъий интеллект, робототехника, ядро энергетикаси, "яшил" энергетика, нанобиотехнологиялар, биокимё ва биофизика каби муҳим йўналишларда илмий-инновацион фаолиятни йўлга қўйиш, янги илмий мактаблар яратиш, илмий ишлар самарадорлигини оширишдан иборат вазифаларимизни етарлича бажара оляпмизми, деган саволлар кун тартибида устувор турибди.

Очиғини айтсак, бу борадаги ишларимизни талаб даражасида, дейиш мушкул. Таълим сифати, битирувчиларимизнинг билими ва амалий кўникмаси иш берувчиларни ҳам, ўзимизни ҳам қониқтираётгани йўқ. Профессор-ўқитувчилар малакаси, илмий ишларимиз самарадорлиги пастлигича қолмоқда. Истеъдодли ёшларни излаб топиш ва улар билан мақсадли ишлашни тизимли асосда йўлга қўя олганимиз йўқ. Фаолиятимизни танқидий таҳлил қилиб, ривожланган мамлакатларнинг олий таълим муассасалари фаолиятини ўрганиш, тажрибасини умумлаштириш, соҳа ва ҳудудларни тараққий эттириш дастурларидан келиб чиққан ҳолда олдимизда турган долзарб вазифаларни белгилаб олишимиз ва ижросини таъминлашимиз зарур.

Барча шароит яратиб берилгани, маошимиз 3-4 баробар оширилганига қарамай, илмга, вазифамизга муносабатимизни ўзгартира олганимизча йўқ. **"Мен олимман, фан доктори, фан номзоди илмий даражаларим бор, шунинг ўзи етади. Бу ёғига илмда натижа бермасам ҳам давлат катта маош бериши керак", деган боқимандалик кайфиятида юрибмиз. Бу кайфиятни, дунёқарашни ўзгартирмасак, илмда ҳам, таълимда ҳам натижа бўлмайди.**

Илмни илмий даража ва унвон олинадиган воситага айлантирдик. Алишер Навоий бобомизнинг неча асрлар аввал ёзган "Илмни ким воситайи жоҳ этар, Ўзинию халқни гумроҳ этар", деган мисраси бугунги ҳолатимизга ҳам айнан мос келади. Мақолалар, ўқув-услубий қўлланмаларни илмни ривожлантириш ёки таълим сифатини ошириш учун эмас, балки доцент, профессор бўлиш учун ёзяпмиз. Чунки бу унвонларни олсак, маошимиз янада ошади. Боз устига, диссертация ва илмий лойиҳалар мавзусини соҳа муаммолари ва долзарб масалалардан келиб чиқиб эмас, балки ўзимизга қулай ва диссертациябоп қилиб танлаймиз. Фанлар академияси ва ишлаб чиқариш билан ҳамкорлигимиз ўта суст.

Олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш тизимли йўлга қўйилмаган. Инновацион тадқиқотлар асосида қўшимча маблағ топиш, интеллектуал мулкни тижорийлаштиришга асосий даромад манбаи сифатида қаралмайди. "Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор — факультет — кафедра — илмий гуруҳ" тизими яхши ишламайди. Узвийлик йўқ. Илм билан шуғулланиш, илмий-инновацион лойиҳаларни амалга ошириш кўпчилик профессор-ўқитувчилар учун факультатив машғулотга ўхшаб қолган, яъни дарсдан, ўқув-услубий ишлардан бўш вақтдагина шуғулланилади, холос.

Профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар билан иқтисодиётнинг реал сектори, йирик ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилмаган, улар муаммоларни билмайди ёки ичига кира олмаяпти. Шунингдек, йирик компаниялар, соҳа мутахассислари ўзининг асосий йўналишлари бўйича масалаларни олимларга илмий-техник тилда тақдим этиш малакасига эга эмас. Шу сабабли ҳам ишлаб чиқариш билан олимлар ўртасида узилиш юзага келган. Очиғини айтадиган бўлсак, илмий салоҳиятимизни юқори, дея олмаймиз, илмий ишларимиз натижадорлиги ва ишлаб чиқаришга татбиқ этилиши ниҳоятда паст. Мавжуд илмий салоҳиятдан ҳам самарали фойдаланаётганимиз йўқ. Биз одатда соҳаларда ечимини кутаётган реал илмий-техник муаммолар қолиб, ўзимиз учун қулай бўлган ва илмий гуруҳлардагина долзарб деб топилган масалаларга ўралашиб қолдик. Агар фундаментал тадқиқотларни жадал олиб бориш билан бирга, мавжуд салоҳиятни соҳалар ривожи ва ишлаб чиқаришнинг реал муаммолари ечимига йўналтира олсак ва унинг устида тизимли ишласак, илмий ишлар самарадорлиги ҳам ошади.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОDНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Дунёда ҳал этилмайдиган муаммо жуда кам. Инчунин, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, илмий тадқиқотчилик фаолиятини жонлаштириш бўйича ҳам асосли таклифлар йўқ эмас. Бу борада олдимизда турган вазифаларни изчил рўёбга чиқара олсак, муайян даражада мақсадимизга яқинлашамиз.

Аввало, таълим сифатини ошириш, ишлаб чиқариш билан интеграциясини мустаҳкамлаш ҳамда предметлараро боғлиқликни кучайтириш орқали талабаларни инновацион фикрлашга, соҳасидаги масалалар ечимини топишга ўргатишимиз зарур. Бизнингча, ёшларнинг масалага ноанъанавий ёндашув малакасини шакллантиришга эришиш учун "3+1" моделини қўллаш мақсадга мувофиқ. Яъни талаба 4 йиллик бакалавриат таълим дастурини 3 йилда тўлиқ ўзлаштиради. Қолган 1 йилини тўлиқ амалиётга — мустақил ишлаш ва битирув-малакавий ишларини бажаришга йўналтиради.



**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТИ НАТИЖАДОРЛИГИГА ҚАРАБ ТОИФАЛАШТИРИШ ҲАМ МУҲИМ МАСАЛАЛАРДАН. ХАЛҚАРО ДАРАЖАДА АҲАМИЯТГА ЭГА ИЛМИЙ-ТЕХНИК ЯНГИЛИКЛАР ҚИЛИШГА ҚОДИР ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ЎҚУВ ЮКЛАМАСИНИ КЕСКИН КАМАЙТИРИБ, БЕВОСИТА ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ МУАММОЛАРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШГА ВА УШБУ ТАДҚИҚОТЛАР ДОИРАСИДА МАГИСТР ВА ФАЛСАФА ДОКТОРЛАРИ (PhD) ТАЙЁРЛАШГА ЙЎНАЛТИРИШ МУМКИН.**

Таклиф этилаётган модель талабанинг назарий билимларни чуқур ўзлаштириши билан бирга, ўзига хос амалий-касбий малакага эга бўлишини таъминлайди ҳамда кафолатли иш ўрнига эга бўлиш имкониятини бир неча баробар оширади. "Университет — ишлаб чиқариш" интеграциясининг қоғозда эмас, амалда ишлашини таъминлайди (бундай тажриба хорижий давлатларнинг нуфузли ОТМларида, жумладан, Москва давлат университетида яхши натижа бермоқда).

Университетда бакалавриатнинг баъзи фан ва муҳандислик таълим йўналишлари учун қўшимча тўлов эвазига асосий ихтисослик ва педагогикага оид фанларни ўқитиш, қўшимча кредит балл олиши ҳисобига талабага танлаган мутахассислиги билан бирга қўшимча квалификация бериш ҳам мумкин. Бу, ўз навбатида, ривожланаётган янги соҳалар учун малакали кадрларни етказиб бериш ҳамда чекка ҳудудларда мутахассислиги бўйича иш топа олмаётган битирувчиларни иш билан таъминлаш масаласини ҳал этишга бир ечим бўлади.

Дунёнинг етакчи "ақл" марказлари таҳлилларига кўра, **2030 йилга бориб, меҳнат бозорининг 70-75 фоизини рақамли технологиялардан фойдаланиш малакасига эга кадрлар эгаллайди.** Шундан келиб чиқиб, предметлараро 3 йиллик бакалавриат ва 2 йиллик магистратура дастурини жорий этиш таклифини илгари суряпмиз. Унга кўра, бакалаврлар учун аниқ фанлар бўйича рақамли иқтисодиёт, стратегик таҳлил ва прогнозлаштириш, табиий фанлар бўйича биотехнология, нанотехнологиялар, сунъий интеллект ва математик моделлаштириш магистрлик дастурлари жорий этилади. Барча таълим йўналишларида рақамли технологияларга оид замонавий фанлар ўқитиш йўлга қўйилади.

Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини касбий фаолияти натижадорлигига қараб тоифалаштириш ҳам муҳим масалалардан. Халқаро даражада аҳамиятга эга илмий-техник янгиликлар қилишга қодир профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкламасини кескин камайтириб, бевосита иқтисодиётнинг реал сектори муаммолари билан шуғулланишга ва ушбу тадқиқотлар доирасида магистр ва фалсафа докторлари (PhD) тайёрлашга йўналтириш мумкин.

Юксак савияда маъруза қилувчи ва амалий машғулотлар билан муваффақиятли шуғулланаётган профессор-ўқитувчиларнинг юкламасини камайтириш орқали уларнинг салоҳиятидан хорижий тажриба асосида бойитилган дарслик, ўқув қўлланма, фан дастурлари тайёрлаш, хорижий университетлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, иқтидорли талабалардан халқаро ва республика танловлари ғолибларини тарбиялашда фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Зеро, бундай ёндашув чет эл университетларида мавжуд ва самара бермоқда.

Иқтисодиётнинг реал сектори, йирик ишлаб чиқариш корхоналаридаги илмий-техник муаммолар ечимига қаратилган муҳим йўналишлар бўйича, техник-иқтисодий таҳлилларни амалга оширадиган, Фанлар академияси ва олийгоҳлар олимлари олдига қўйиладиган илмий-техник топшириқларни шакллантирадиган ҳамда уларни тижорийлаштирадиган махсус илмий-тадқиқот, консальтинг марказларини ташкил этиш мумкин.

Иқтидорли ёшларни саралаш ва улар билан тизимли асосда шуғулланиш механизмини яратиш, чуқурлаштирилган махсус ўқув дастурларини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш муҳим масала. Ҳозир Термиз давлат университетида ушбу дастурга мувофиқ, 250 нафарга яқин талаба етти таълим йўналишида тажриба-синов тарзида таҳсил олмоқда. Аммо бу ҳали етарли дегани эмас ва бу борадаги ишларимизни тизимли ривожлантирамиз. Умумтаълим муассасаларига кириб боришимиз, оталиққа олишимиз, виртуал сиртқи-масофавий ва якшанбалик мактабларни ташкил этишимиз керак.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, мамлакатимиздаги ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш орқали дахлдорлик ҳисси билан яшашга ўргатиш олдимизда турган алоҳида вазифалардан. Шундан келиб чиқиб, бу йўналишдаги фаолиятимизни ҳам мутлақо янгидан кўриб чиқишимиз ва ёшлар билан ишлаш тизимимизни такомиллаштиришимиз шарт.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОDНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

КУН МАВЗУСИ

# БУ ЙИЛ ТАЛАБАЛАР КЎЧАДА ҚОЛМАЙДИМИ?

## МУТАСАДДИЛАР БУНГА ИЗОҲ БЕРАДИ

**Рисолат МАДИЕВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири**

Бошланиши 1-бетда

Ўтган даврда ётоқ ўринлари билан таъминлашнинг ўзига хос тизими яратилди. Бироқ бу масала бутунлай ечим топди, дегани эмас. Мамлакатимизда олий таълимга қаратилган эътибор натижасида ОТМлар сони ортди. Талабалар сони ҳам 1 миллиондан зиёд. Бу эса, ўз навбатида, уларни турар жой билан таъминлаш масаласининг долзарблигини оширмоқда.

Президентимизнинг 2023 йил 28 февралдаги фармони билан тасдиқланган давлат дастурида жорий йил якунига қадар мамлакатимиз бўйича 18 минг ўринли талабалар турар жойларини фойдаланишга топшириш вазифаси белгиланган.

— Айни пайтда 38 минг ўринли 83 та талабалар турар жойини барпо этиш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, давлат-хусусий шериклик асосида 23 минг 494 ўринли 50 та, ОТМ ва бюджет маблағи ҳамда Инвестиция дастури доирасида 10 минг 660 ўринли 21 та талабалар турар жойи қурилиши учун тегишли маблағ ажратилди, — дейди олий таълим, фан ва инновациялар вазири ўринбосари Сарвархон Бузрукхонов. — Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, 4 минг 702 ўринли 12 та талабалар турар жойи фойдаланишга топширилди. Айни пайтда 24 минг 394 ўринли 51 та талабалар турар жойи қурилиши жадал суръатда давом этмоқда. Янги ўқув йили бошлангунга қадар яна 6 минг 400 ўринли 11 та талабалар турар жойи фойдаланишга топширилади.



Шу кунларда вазирлик мутасаддиларининг эътибори янги ўқув йили бошланган дастлабки кунларданоқ талабаларни ётоқхона ва ижара хонадонларга жойлаштиришга қаратиляпти. Ҳисоб-китоблар вақтида пойтахтдаги 112 та давлат олий таълим муассасасида кундузги таълим шаклида таҳсил олаётган 556 мингдан зиёд талабанинг ярмидан кўпроғи ўзининг ёки яқин қариндошининг уйига жойлашгани аниқланган. Ҳозир 302 та талабалар турар жойига 116 минг 535 талабани жойлаштириш кўзда тутилмоқда. Турар жойлардаги ўринларни алоҳида имтиёзга эга талабаларга тақсимлаш ишлари ниҳоясига етказилган. Бу йил 75 минг 424 талаба аввалдан мавжуд бўлган, ўтган йилларда истиқомат қилган ва келгуси ўқув йили учун ҳам банд қилиб қўйилган ижара хонадонларга жойлашади. Ҳозир 77 минг 508 талаба турар жойга муҳтож. Шунинг учун биз асосан шу контингент билан ишладик.

Бу йилдан эътиборан ОТМларда талабаларга ижара уйлари топишда кўмаклашадиган тизимнинг жорий этилгани ҳам қулайлик бўлди. Сабаби, талабанинг ижтимоий ҳолати ва бошқа эҳтиёжи ОТМга яққол аён. 1 август ҳолатига кўра, уй эгалари билан бирма-бир суҳбатдан кейин 20 минг 978 та ижара хонадон рўйхати тайёр бўлди. Ҳисоб-китобларга кўра, мазкур хонадонларга 77 минг 508 талаба жойлашиши мумкин.

Энг катта ОТМлар пойтахтимизда жойлашган. Шунга яраша талабалар турар жойига эҳтиёж ҳам салмоқли. Бу ҳудудда 30 минг 707 талаба ижарага муҳтож. Ҳозир 9 минг 700 та бўш ижара хонадон топилиб, манзилли рўйхати шакллантирилди. Ушбу хонадонларга 30 минг 707 нафар талабани жойлаштириш имкони мавжуд.

Энди вазирлик олдида турган асосий масала бўш турган ижара хонадонлар тўғрисидаги маълумотларни талабаларга, ота-оналарига етказиш бўляпти. Шунинг учун ҳар бир ОТМнинг веб-сайти, ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали яратилган имконият ва имтиёзлар ҳақида талабаларга кўпроқ маълумот етказишга ҳаракат қилиняпти. Талабаларга ижара тўловининг бир қисмини қоплаб бериш ишлари ҳам давом эттирилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 14 августдаги "Олий таълим муассасалари талабаларини турар жой билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори соҳада яна бир қулайликка йўл очди. Унга мувофиқ, энди давлат ОТМларининг талабалар турар жойига жойлашиш давлат хизмати марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП) орқали электрон ариза бериш йўли билан амалга оширилади. Талабаларга навбатни онлайн кузатиш ва бадал пули тўлаш имконияти яратилади. Шунингдек, талабалар билан тузиладиган турар жой ижара шартномалари давлат солиқ хизмати органларида солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали масофадан туриб биометрик идентификациялаш (Face-ID) технологияси орқали электрон шаклда реал вақт режимида ҳисобга қўйилади.

Талабалар мазкур хизматдан фойдаланиш учун ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ариза юборади. Аризалар тегишли вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимига келиб тушади. Талабанинг имтиёзи ёки бошқа тегишли маълумотлари ахборот тизими ёрдамида текширилади. Ариза якунида талабага ётоқхонага жойлашиши учун йўлланма берилгани ёки навбатга қўйилгани ҳақида маълумот тақдим этилади.

— Рақамлаштиришдан мақсад инсон омилини, турли бюрократик тўсиқлар ва ҳар хил коррупцион ҳолатларнинг олдини олишдир, — дейди Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги бўлим бошлиғи Салоҳиддин Санақулов. — Ҳозир талабаларнинг 43 фоизини ётоқхона билан таъминлаш имконияти мавжуд. Масаланинг яна бир муҳим жиҳати, ижара асосида яшайдиган талабаларимизга жуда катта имконият берилди. Аввалги йилларда ижара тўловининг бир қисмини давлат ҳисобидан қоплаб бериш тартиби жорий қилинган эди. Ўтган вақтда бу борада юзага келган айрим муаммоларни инобатга олиб, энди талабаларимиз Тошкент шаҳрида ижара шартномасининг суммасидан қатъи назар, тўловнинг қопланадиган қисми сифатида базавий ҳисоблашнинг 1 баробари миқдорида, яъни 330 минг сўм оладиган бўлди. Илгари бу муаммо бўлган. Чунки ижара шартномасида турли сумма кўрсатилган. Ўша суммага қараб тўлаш тартиби муаммони юзага келтирган эди. Ёки хонадон эгаларининг ижара шартномаларини имзолаш жараёни чўзилиб кетган. Шу ва бошқа бюрократик тўсиқларнинг олдини олиш мақсадида сентябрь-октябрь ойларида — айнан талабалар турар жойларга жойлашадиган муҳим паллада ижара тўловининг бир қисмини ижара шартномасисиз тўлаб бериладиган тартиб жорий қилинди. Бу ҳам жуда катта имконият.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, 1-курс талабаларини талабалар турар жойига жойлаштириш ушбу қарор билан тасдиқланган маъмурий регламент талаблари асосида,



2-курс ва ундан юқори курс талабаларини жойлаштириш эса анъанавий тарзда амалга оширилади. Бунда жойлашиш учун ариза олий таълим муассасаси талабалар турар жойларига жойлаштириш комиссиясига 2023 йил 25 августга қадар топширилади.

Қарорда имтиёзлилар тоифаси ҳам белгиланган. Мисол учун, талабалар турар жойларига қабул қилиш жараёнида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлганлар, "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри", "Темир дафтар" ва "Аёллар дафтари"га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари ҳамда "Ёшлар дафтари"даги йигит-қизларга устунлик берилади. Шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлганлар, бир оиладан бакалавриат босқичи кундузги таълим шаклида икки ёки ундан ортиқ киши бўлиб тўлов-шартнома асосида ўқиётганлар, халқаро ва Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ўтказадиган фан олимпиадалари, "Йил талабаси" ва "Талабалар театр студиялари" кўрик-танловлари, "Заковат" интеллектуал ўйинининг республика босқичи ғолиблари, талабалар турар жойидаги талабалар кенгаши раиси, қават сардорлари ана шу устунликдан фойдаланиши мумкин.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН





АДАБИЙ ДЎСТЛИК — АБАДИЙ ДЎСТЛИК

# “ҚЎШИҒИГА ЖЎР БЎЛАМАН Бердақнинг”



**Адабиётда, ижодда шундай анъаналар бўладики, улар ҳеч қачон эскирмайди, долзарблик хусусиятини, амалий аҳамиятини йўқотмайди. Шундай анъаналардан бири — турли миллат ижодкорларининг дўстлиги, бир-бирларининг адабиёти учун ғамхўрлиги, тарғиботи, ўзаро фикр, тажриба алмашишлари. Бу анъанани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш барча қалам соҳиби учун ҳам масъулиятли вазифа.**

Адабиётларнинг бир-бири билан алоқа ўрнатишида ижодкорларнинг воситачилик роли жуда муҳим. Ҳеч бир адабиёт бошқа бир адабиёт билан муайян шоир ёки ёзувчи шахсиятисиз алоқа ўрната олмайди. Зеро, уларни бир-бирлари билан боғлаб турадиган “кўприк” бу — конкрет шоир ёки ёзувчи, унинг асарлари. Бу жаҳон адабиёти тажрибасида синалган ҳақиқат. Шунинг учун ҳам бир адабиётнинг иккинчи бир адабиёт билан алоқаси тўғрисида сўз юритилганда, энг аввало, ўша адабиётдаги адабий дўстликка кўпроқ хизмат қилган ёки хизмат қилиб келаётган ижодкорнинг номи ва асарлари тилга олинади.

Ўз адабиётидан ташқари бошқа миллий адабиётларга ҳам хизмат қилиш ижодкор учун шараф. Бундай бахт ҳамма ижодкорга ҳам насиб этавермайди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Қорақалпоғистон халқ шоири Рустам Мусурмон ижоди бу борада кўпчиликка ибрат. Ижодкорни рамзий маънода икки қанотли қушга ўхшатсак, унинг бир қаноти шеърияти бўлса, иккинчи қаноти бадиий таржималари. Баъзан унинг таржималари шеърларидан ҳам кўпроқдек туюлади. Жаҳон адабиёти, хусусан, болгар, венесуэла, поляк, фин, венгер шеъриятидан қилган таржималари унинг байналмилалчилик ва дўстлик ғояларига садоқатли, ижодий тақдирини бошқа адабиётлар билан ҳам боғлаб қалам тебратиб келаётган сўз устаси эканини исботлайди.

Пабло Неруда, Пер Лагерквист, Арон Тамаши, Альваро Юнке, Онелио Хорхе Кордосонинг ҳикоя ва қиссалари, рус адабиётидан Марина Цветаева, Белла Аҳмадуллина, Осип Мандельштам, Велимир Хлебников шеърлари, қорақалпоқ мумтоз шоирлари Ажиниёз, Бердақдан тортиб, Ибройим Юсупов, Ўразбой Абдураҳмонов, Кенгесбой Каримов, Муратбой Низанов, Шароф Уснатдинов, Бахтиёр Генжемуратов, Соғинбой Иброҳимов, Шарапатдин Аяпов каби адибларнинг насрий ва назмий асарлари Рустам Мусурмон таржимасида ўзбекча оҳангларда жаранг сочди. 2021 йили шоирнинг “Йилнинг энг яхши таржимони” сифатида эътироф этилгани унинг таржимашунослик соҳасидаги фаолияти муносиб тақдирланганидан далолат.

Рустам Мусурмоннинг, айниқса, қорақалпоқ халқига нисбатан қардошлик меҳри ва ҳурмати беқиёс. У Қорақалпоғистондаги кўплаб адабий-маданий тадбир ёки шоир ва ёзувчилар юбилейида иштирок этибгина қолмай, икки қардош адабиётнинг дўстлиги, алоқалари тўғрисида илҳом билан сўзлайди. Шоирнинг кўплаб қорақалпоқ ёзувчи ва шоирлари билан дўстлиги, ижодий ҳамкорлиги халқларимиз ва адабиётларимиз дўстлигига хизмат қилаётгани ҳам ҳақиқат. Ўзбекистон халқ шоири Ибройим Юсупов таъбири билан айтганда, “Бир-бирларимизнинг асарларимизни ўқиш, ҳаётимизни телевидение орқали намойиш қилишнинг ўзи етмайди, кўзларимиз кўзларимизга тушиши, юзимиз-юзимиздан баҳра олиши, жонли мулоқотлар зарур”. Унинг қорақалпоқ ўлкасига сафари, адиблар билан жонли мулоқотлари, бу халқ ҳаётини яхши ўргангани ёзилажак шеърлари учун материаллар тўплашга имкон туғдирган.

Бошқа миллатларга ҳам эҳтиром кўрсатиб, қадриятларини эъзозлайдиган, асарларида улар ҳаётининг турли кўринишларини миллий руҳда, байналмилал ғоялар билан уйғунлаштириб талқин этган ижодкор борки, у, албатта, мухлислар ҳурматини қозонади. Рустам Мусурмон мана шундай эътирофга сазовор бўлган, ўзбек ва қорақалпоқ халқлари турмушидан ҳар хил бадиий шаклларда икки қардош халқнинг миллий менталитетини, ўзига хослигини назарда тутган ҳолда қалам тебратиб танилган.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОDНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Шоирнинг 2022 йил нашр этилган “Бир жуфт сўз” шеърий тўпламига кирган “Зотим чуют, мен ҳам қорақалпоқман” деб номланган туркум шеърлари фикримизга далил бўла олади. Бобдаги ўн учта шеърнинг ҳаммасида шоир қорақалпоқ мавзусининг турли қирраларини хилма-хил усулларда очиб беришга ҳаракат қилган. Шеърларнинг ҳар бир банди, ҳар бир мисрасида шу замин ва миллатга хос бетакрор хусусиятлар жилоланиб туради. Шоир шеърларида учрайдиган *“Хўжайлидан нари Қўнғирот, Устюрт”, “Бўйин кўрсам қорақалпоқ ўғлонни, кўргандайман Едигени Қоблонни”, “Жайҳун жилолаган дурсан, гавҳарсан”, “Шағала, шағала, шағиллайди шағала”, “Аму тошқинидай жўшар “Дам бермас”, “Қанча чопсанг, кўздан қочар кенгликлар”, “Эл берган Отажон ҳофиз устозни”, “Юрак — кема, Оролда қумларга ботиб қолган”* каби мисраларни ўқиган китобхон ўзини тасвир объектига дахлдордек, бирор жойда ўша воқеага гувоҳ бўлгандек ҳис қилади.



У қўллаган Қорақалпоғистонга хос атамалар, сўз санъати, бадиий деталлар, бетакрор табиат тасвири билан боғлиқ лавҳалар қорақалпоқ ҳаётининг бадиий кўзгусидир. Шоир маҳаллий шароитни эслатадиган характерли атамалар, халқ қалбига сингиб кетган достонлар, улардаги қаҳрамонлар, тарихий шахсларни шеърларига жо қилиб, миллий қиёфалари билан табиий ва ишонарли тасвирлаган. Мисолларда тилга олинган атамалар, исмлар ва географик жой номлари, миллий анъаналар, ижтимоий-маънавий шароитни ёдга соладиган бошқа белгилардан шеърда қайси миллат тараннум этилганини ўқувчи дарров пайқайди. Муаллиф поэтик маънони кучайтириш учун мавзуга мос рамзларни танлаб, шеър ғоясини очишда улардан фойдаланган.

“Зотим чуют, мен ҳам қорақалпоқман” туркумига кирган ҳар бир шеърнинг ўзига хос ифода шакли бор. “Ақчакўл”, “Халилла”, “Шағала”, “Оққу”, “Туронғил ва шамол”, “Кема”, “Қушлар учиб келди Тўрткўлга” каби қасида, бағишлов, қорақалпоқ халқ қўшиқларини эслатадиган шеърларда қорақалпоқ руҳи уфуриб туради. “*Осмонларга қучоқ очар кенгликлари*”ни *“Қирғовулга, ангга тўла тўқайи”*ни, “*Қирққизлари от чоптирган бу диёр*”ни алоҳида меҳр билан миллий бўёқларда берган.

“Устюрт, Қорақалпоғистон қўрғони” шеърида шоир қорақалпоқ миллий-маҳаллий шароитини, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларига нисбатан бу ўлкада ҳукм сурадиган ёзнинг жазирамаси ва қишнинг қаҳратонини реал тасвирлаган.

*Бу чўлда қуш учса, қаноти куяр,*
*Унда одам юрса, оёғи куяр,*
*Баҳорнинг кўкарган янтоғи куяр,*
*Чўлнинг гули қайда, тикони қайда?*
*Ёзда чўл чанг бўлар, аёзда тойғоқ,*
*Бепоён Устюртда қишлайди сайғоқ,*
*Она Ватан уйғоқ, табиат уйғоқ,*
*Яратганнинг бундай жайрони қайда?*

Бу ўлкада кўп ижодий сафарда юриб, табиат манзараларининг гувоҳи бўлган шоир ҳаёт кўринишини образли шаклда, хилма-хил рангларда бера олган.

Ҳар қандай шоир шеъриятига жон бағишлайдиган фазилатлардан бири образлиликдир. Шоир лирик қаҳрамон характерини очишда табиатга мурожаат қилади, турли фасллардан образ танлайди, яъни табиатнинг турли манзараларини дилига жо қилиб, шу орқали фалсафий фикр айтишга муваффақ бўлади. Шоир шеърларида учрайдиган *“қиш”, “ёз”, “баҳор”, “янтоқ”, “бепоён чўл”, “саҳродаги қум”, “туронғил”, “шамол”, “балиқ”, “чағалай”, “ўрдак”, “оққу”* ва ҳоказолар шунчаки оддий табиат кўриниши эмас, балки лирик қаҳрамон психологиясини очиб беришга қаратилган бадиий восита ҳамдир.

Рустам Мусурмоннинг таниқли қорақалпоқ ижодкори, машҳур нотиқ Шарап Уснатдиновга бағишланган “Чечан” номли шеъри шакли ва мазмуни жиҳатидан таниқли ўзбек адиби Султон Акбарийнинг “Жўлмирзага ҳазил хат” ва “Оғайин” шеърига уйқаш. Бу шеърда шоир устоз адиблардан тортиб, замондош ижодкорларининг қиёфасини реал чизиб берган. Ҳар иккала шеърда ҳам ўзбек ва қорақалпоқ ижодкорлари ўртасидаги дўстона муносабатлар мадҳ этилади. Султон Акбарий “Жўлмирзага ҳазил хат”да бир-бирларига ҳадди сиғадиган қаламкаш замондошларига ҳазил аралаш “салом” йўллаб, улардан ҳол-аҳвол сўрайди:

*Хўжабегинг ўч эмасми қуймоққа,*
*Кўк Оролнинг лаққасига, ўйноққа,*
*Алдаб олиб борардимиз Мўйноққа,*
*Ҳануз ялпоқ товонми?*
*Бойниёзинг тутиб келса чавоқни,*
*Ибройиминг тўлдир деса товоқни,*
*Бобош қовун деса кади қовоқни,*
*Қўноқларинг ҳайронми?..*

Султон Акбарий мисраларда қорақалпоқ шеъриятининг номдор сўз усталари — Хўжабек Сейтов, Бойниёз Қайипназаров, Ибройим Юсупов, Бобош Исмоиловнинг номларини тилга олган бўлса, Рустам Мусурмон қорақалпоғистонлик замондошлари Муратбой Низанов, Ўрозбой Абдураҳмонов, Бахтиёр Генжемурод, Янгибой Қўчқоров билан ҳамкорликда “*адабиётга хизмат қилаётгани*”дан мамнун.

*Ёнингизда Муратбой ҳам Ўразбой,*
*Қалам тутган қўли узун, дарозбой.*
*Хоразмда меҳмон бўлиб қайтдингиз,*
*Қичқирмасдан овулдаги хўрозбой.*
*Шарқ сўйлайди бизга қуёш ҳақинда,*
*Лола сўйлар тоғ ила тош ҳақинда.*
*Бахтиёр мадҳ этди Ўкуздарёни,*
*Шеър ўқиди Янгибой Шош ҳақинда.*

Шеър халқона содда тил ва самимий руҳда жўшқин қалб билан куйланган. Вазни енгил, қофияланиш тартиби ҳам содда.

“Оғайин” шеърининг охирги банди сўнгги мисрасида Султон Акбарий бир сўз қўллайди. Бу оддийгина сўз шеърга миллий руҳ бериб, гўё уни ёритиб тургандай:

*Оғайин, кўп эзма бўлиб кетибман,*
*Шеър ағдариб туриб салом битибман,*
*Соғинчимни шундоғ изҳор этибман,*
*Соғинган тек Султонми?!*

“*Тек*” сўзи ўзбек тилида “фақат” деган маънони англатади. Султон Акбарий “тек” сўзини ишлатиб, шеърга миллий ранг берган. Ўзини қорақалпоқ ҳаётига, қаламкаш дўстлари даврасига жуда яқинлаштирган.

Рустам Мусурмон ҳам шеърнинг сўнгги бандларидан бирида шундай ёзади:

*Кўпайлашиб Оролга эм излайсиз,*
*Она ернинг ободлигин кўзлайсиз.*
*Айланайин, тувусқаним, бовурим,*
*Юртбошимнинг элга меҳрин сўзлайсиз.*

“*Тувусқаним*” сўзининг айнан қорақалпоқча вариантда берилгани тасвирга такрорланмас колорит бериш билан бирга шеърнинг поэтик оҳангини ҳам кучайтирган.

Шеърдан шундай ибратли мантиқий хулоса келиб чиқади. Бир пайтлар адабиётлар манфаатига хизмат қилган ўзбек ва қорақалпоқ ижодкорлари ўртасидаги самимий, дўстона муносабатлар, ўзаро борди-келди, дийдорлашиб туришлар, фикрлашиб тажриба алмашувлар бугун ҳам давом этмоқда. Дийдорлашув сабаб адабиётларимиз дўстлик мавзусидаги янги-янги асарлар билан бойиб бормоқда. Рустам Мусурмон Қорақалпоғистоннинг қайси бурчагида бўлмасин, ўзини худди ўз уйидагидек эмин-эркин ҳис қилиб, бу халқнинг меҳмондўстлигини “*мезбон сахий бўлса, меҳмон оромда*”, дея юксак баҳолайди. “Чечан” мана шундай ижодий сафарларнинг, мулоқотларнинг, тажриба алмашувларнинг мевасидир. Шеър шу фазилати билан ҳам бугунги куннинг асари.

Шоир яна бир шеърида қорақалпоқ халқига меҳрини шундай изҳор этади:

*Шундай меҳри дарё халқи бор Ҳақнинг,*
*Тўйларига бориб қорақалпоқнинг,*
*Қўшиғига жўр бўламан Бердақнинг,*
*Мен Нукусни соғинаман кўрмасам.*

Мақола хотимасида Мухтор Шохоновнинг қуйидаги мисраларини келтиришни жоиз топдик:

*Дўст қучишдан бўшамасин қўлларим,*
*Шуни жуда армон қилар дилларим.*
*Дўстлигимга ишонганлар кам бўлса,*
*Унда менинг ожизланиб қолганим.*

Ўзбек адабиётида ўз ўрнига ва ўз сўзига эга шоир ва таржимон, публицист Рустам Мусурмон халқлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини ўрнатишда ҳеч қачон “ожизланиб қолмасин”, деймиз.

**Гуландом ҚУРАМБОЕВА,**
**филология фанлари доктори**



31 АВГУСТ — ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИНИ ЁД ЭТИШ КУНИ

# 3000 ДАН ОРТИҚ ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ РЎЙХАТИ ШАКЛЛАНТИРИЛДИ

**Азалшоҳ ҲАМРОЕВ,**
**БухДУ тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи директори, доцент**

**Президентимизнинг 2020 йил 8 октябрдаги “Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойишига асосан, Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ҳамда ҳудудлардаги олий таълим муассасалари ҳузурида унинг бўлимлари фаолияти янада жонлантирилди.**

Ёш авлодни тарихимизда ўтган мудҳиш кунлар билан яқиндан таништириш ва мустақилликнинг улуғ неъмат экани ҳақидаги тушунчаларини бойитиш вазифасига жиддий киришилди. Шунингдек, кенг жамоатчилик ва чет эллик меҳмонлар учун ҳам маҳаллий қатағон қурбонлари ҳақида чуқур маълумот бериш имконияти туғилди.

Ушбу мақсад йўлида Бухоро давлат университети ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи жамоаси ҳам ташриф буюрувчиларга кўпроқ маълумот тақдим қилиш, экспонатлар сафини бойитиш ишларига масъулият билан ёндашмоқда.

Қатағонга учраган 3000 га яқин бухороликнинг рўйхати шакллантирилди ва музей ходимлари томонидан “Хотира китоби” тайёрланди. 2022-2023 йиллардаги илмий изланишлар натижасида янги рўйхат шакллантирилди ва унга қатағон қилинган яна юзга яқин киши ҳақидаги маълумотлар киритилди.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОDНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Бухоро вилоятидан қатағон бўлганларни номма-ном аниқлаш мақсадида музей ходимлари тумандардаги давлат архивларида катта иш олиб борди. Қатағон бўлганларнинг авлодлари музейга ташриф буюриб, ота-боболари ҳақида маълумотлар, фотосуратлар, экспонатлар тақдим этиб келмоқда. Шу билан бирга, музейга қатағон бўлганларнинг авлодлари ота-боболари тўғрисида маълумот топиб беришни сўраб мурожаат қилмоқда.

Музей фондида 1500 дан ортиқ буюм, архив ҳужжати, фотосуратлар, китоблар, қўлёзма асарлар ва нумизматика буюмлари сақланади. Музейга талабалар, ўқувчилар, маҳаллий аҳоли билан бирга, кўплаб чет эллик меҳмонлар ҳам ташриф буюради. Улар орасида Чехия, Япония, Жанубий Корея, Австрия, Беларусь, Польша, АҚШ, Франция, Туркия, Миср, Афғонистон, Ҳиндистон каби мамлакатлар вакиллари бор.

Телеканаллар мунтазам равишда музей билан ҳамкорликда туркум кўрсатувлар суратга оляпти ва намойиш қилиб бормоқда. Масалан, “Ўзбекистон тарихи” телеканалида намойиш қилинадиган “Миллат фидойилари”, “Тарихий савол” кўрсатувларининг бир неча сони музейимиз фаолиятига бағишланди.

Музей жамоаси халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда иштирок этиб, халқаро алоқаларни йўлга қўйган. Хусусан, Санкт-Петербург ва Истанбул шаҳарларидаги музейлар билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Ҳақиқий тарихимизни тиклаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этаётган бугунги даврда мустабид тузум томонидан шафқатсиз қатағон қилинган давлат ва жамоат арбоблари, илм-фан, маданият, санъат ва адабиёт намояндалари, оддий касб эгаси бўлган минглаб юртдошларимиз номлари ва хотираларини абадийлаштириш, жасорати ва матонати мисолида ёш авлодни Ватанимиз ва халқимизга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Бу борадаги тарихий маълумотларни холис ва ҳаққоний ўрганиш мамлакатимиз мустақиллиги қандай оғир ва машаққатли курашлар билан қўлга киритилгани, бугунги эркин, озод ва обод ҳаётимизни асраб-авайлаб, қадрлаб яшашимиз кераклигини янада чуқур англашга хизмат қилади.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-846.
43690 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Юнус Бўронов
Мусаҳҳиҳ: Рашид Хўжамов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 00:40 Топширилди — 01:00